

Ilmiy-amaliy jurnal — Научно-практический журнал — Scientific and practical magazine



QONUNCHILIK MUAMMOLARI AXBOROTNOMASI

ISSN 2181-3361

2022-yil 3-son

БЮЛЛЕТЕНЬ
ПРОБЛЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

BULLETIN
OF LEGISLATIVE PROBLEMS



Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси адолатли демократик давлат қуришдан иборат. Адолатли давлатнинг энг муҳим хусусияти, аввало, инсон қадр ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш унинг бош вазифаси эканида кўринади.

Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос буюк бунёдкорлик ҳисси билан яшаш ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодасидир.

Янги Ўзбекистон – Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонлик йўлининг юқори босқичидир.

Янги Ўзбекистон – бу «Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуг», деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган мамлакатдир.

Янги Ўзбекистон – катталарга ҳурмат, кичикларга – иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга – чинакам кўмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимиз қондасига айланиб бораётган ижтимоий макондир.

Янги Ўзбекистон – жаҳон ҳамжамияти билан, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган, мамлакатимизнинг демократик қиёфаси яратилаётган бетакрор заминдир.

*Шавкат Мирзиёев,
«Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» китобидан*

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, мана шу муаззам «Янги Ўзбекистон» боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилақларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида «Ўзбекистон Республикаси» деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.

Қадрли юртдошлар!

Охирги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмакдамиз.

Ўтган даврда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув

асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шарти ва мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг кадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий кадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўртасидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, муҳтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суянчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда голиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта «Олимпия чемпиони» деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислом бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмоқдамиз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очиқ гапириши ва уларнинг ечими учун биргаликда ҳаракат қилишларига барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш

имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очиқ ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стратегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамиз.

Биринчидан, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

Иккинчидан, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом

эттирамир.

Учинчидан, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали кўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодиётда давлат иштироки кескин камайтиради.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотларни изчил давом эттирамиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамиз.

Барча ҳудудларда шошилиш тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамиз.

Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечирishi ва ўртача умр кўриш даражасини узайтиришга эришиш.

Бешинчидан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтиради.

Шу билан бирга, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир**. Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустақкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат

қилади.

Асосий қонунимизни шошилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади**.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қутлуғ кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва хушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қўллаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугун биз ўз олдимизга улуғвор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўпмиллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона аҳил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустақкам гарови, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қўллаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Яратганнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси

ИСТИҚЛОЛ – БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ВА ЮТУҚЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Истиқлол, ҳурлик, озодлик тушунчалари барча халқлар учун алоҳида қимматга эга. Негаки, ана шу улуғ неъмат туфайли ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини танлайди, ўз тақдирини ўзи белгилайди, улкан марралар сари дадил интилади. Шу боис бутун халқимиз Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган кунни катта шодиёна, тантана билан нишонлайди.

Шоядки, мана шу муқаддас сана, яъни мустақиллигимизнинг 31 йиллигини ҳам катта зафарлар ҳамда улуғвор режалар билан қарши олдик. Шубҳасиз, шу йиллар Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига мустаҳкам тамал тоши қўйилган ва шу йўлда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилган давр сифатида шонли тарихимиздан муносиб ўрин олади. Нега деганда, сўнгги 5–6 йилда қанчалик қийин бўлмасин, барча жабҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммо ва камчиликлар юзага чиқарилди, уларни ҳал этиш бўйича жуда кенг кўламда ислохотлар бошлаб юборилди. Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати, халқимизнинг бунёдкорлиги эвазига тарих учун қисқа бир даврда барча соҳаларда, энг муҳими, одамлар ҳаётида мана шу ислохотларнинг амалий натижалари намоён бўла бошлади.

Кишилик жамиятида нимаики қилинар экан, аввало, инсон манфаатлари учун қилиниши, «Халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилиши керак», деган тамойил тўлақонли равишда давлат ва жамият ҳаётига чуқур сингиб кетди, олтин қоидага айланди. Албатта, эриши-

лаётган катта-катта ютуқлар ҳақида соатлаб гапириш мумкин, лекин бутун дунёда кескин рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора авжига чиқиб бораётган бир даврда юртимизда бир маромдаги, барқарор ривожланишни таъминлаш, тинчлик-осойишталикни сақлаш ҳамда прагматик, очиқ ташқи сиёсатни самарали йўлга қўйишнинг ўзи бўлаётгани йўқ. Буни ҳар бир юртдошимиз чуқур англаб етиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг, аввало, халқимиз манфаатларини ўйлаб юритаётган адолатли, халқчил сиёсати, юртдошларимизнинг биргаликдаги шарафли меҳнати орқали мана шу ютуқларга эришмоқдамиз.

Президентимизнинг давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги қарорида таъкидланганидек, халқнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, кадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир. Шундан келиб чиқиб, истиқлолнинг кадр қиммати ва аҳамияти нимада эканини, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш доимий вазифамиз бўлиб қолмоғи керак.

Негаки, юртимизда кечаётган демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, онгида юз бераётган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифодалаш, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида аҳиллик ва

тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, жамиятда тинч-осойишта ҳаётни таъминлаш борасидаги ишлар мазмун-моҳиятидан бохабарлик юртдошларимизда дахлдорлик туйғусини юксалтиради, уларни янада улкан мақсадлар сари руҳлантиради.

«Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош гоя асосида барча ҳудудларда ташкил этилаётган маънавий-маърифий, маданий тадбирларда парламентимиз аъзолари, жумладан, сенаторларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Бўлиб ўтаётган турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва бошқа оммавий тадбирларда улар одатдаги маърузабозликдан қочиб, янги, таъсирчан усуллардан фойдаланган ҳолда аҳоли билан мулоқотга киришмоқда. Ёшлар парламенти аъзолари ўзлари алоҳида чора-тадбирлар режасини тузиб, ўз тенгқурлари, ўқувчи-талабалар, маҳаллалардаги уюшмаган ёшлар ўртасида уларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган давлат дастурларининг ижобий натижаларини, имкониятларини ҳаётий мисоллар орқали кенг тушунтирмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнлари жадал давом этаётган бир даврда ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, хусусан, Сенат ҳамда маҳаллий кенгашларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Давлат бошқаруви органлари ваколатида бўлган қатор назорат функциялари унга ўтказилди, янги қўмиталар ташкил этилди. Долзарб ижтимоий-иқтисодий соҳа ва йўналишлар, хусусан, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар, туризм, коррупцияга қарши курашиш, соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари ва гендер тенглик, ёшлар, Оролбўйи минтақасини ривожлантириш, маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорлик бўйича алоҳида ваколатлар белгиланиб, Сенат қўмиталари ихтисосликлари кенгайтирилди. Бу сенаторларнинг масъулиятини оширди, ўз ишига муносабатини тубдан ўзгартирди. Сенат аъзолари бугун халқ орасига кириб бормоқда, юртдошларимиз билан дилдан суҳбатлашиш асносида уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрмоқда.

Сенат таркибида янгидан ташкил этилган биргина Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси фаолия-

ти бунга яққол мисолдир. Сир эмас, кўп йиллар давомида Оролбўйи минтақасида юзага келган экологик вазиятни юмшатишга унчалик эътибор қаратилмади. Натижада ҳудуддаги ҳолат борган сари оғирлашаверди. Фақат давлатимиз раҳбари ўз фаолиятини бошлаган илк йилданок Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни, минтақа аҳолиси турмуш шароити ва сифатини яхшилашга жиддий киришилди. БМТ бош минбаридан туриб мазкур масалага оид глобал таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Муҳими, улар дунё ҳамжамияти томонидан яқдил қўллаб-қувватланди.

Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини жойига чиққан ҳолда ўрганиш, мутасадди вазирлик ва идоралар ҳисоботларини бевосита эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳудуднинг ўзида фаолият юритадиган ушбу қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги 700 дан ортиқ объект ўрганилди ва уларда мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Натижада биргина ўтган йилда қарийб 9 триллион сўм ўзлаштирилиб, мингдан ортиқ лойиҳа ишга туширилди ва 8 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, 95 та лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилиши ҳисобига қўшимча 853 та иш ўрни очилди.

Сўнгги йилларда давлат суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари такомиллашди. Қонун ҳужжати лойиҳаси Сенатга киритилгач, тегишли қўмиталар томонидан етук мутахассислар ва тажрибали экспертларни жалб этган ҳолда бафуржа кўриб чиқилмоқда, холис хулосалар берилмоқда. Мамлакатимизда жадал давом этаётган кенг кўламли ислохотлар кўплаб соҳаларга доир мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Табиийки, шундай бир вазиятда қонунларнинг сонига эмас, сифатига жиддий эътибор қаратиш муҳим саналади. Мазкур талабдан келиб чиққан ҳолда, 2017–2021 йиллар давомида **341** та қонун Сенат ялпи мажлисларида муҳокама қилинди. Ваҳоланки, 2010–2016 йилларда, яъни шунча муддатда **179** та қонун муҳокамаи ўтказилган.

Шунингдек, амалдаги қонунлар ижро ҳолатини мониторинг қилиш амалиёти йўлга қўйилиб, ўнлаб қонунларни бугунги кун талаби асосида қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар

киритилди. **Парламент юқори палатаси қўмиталари ҳамда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан турли тармоқлар, айниқса, ижтимоий соҳага тааллуқли қонунлар мунтазам мониторинг қилиб бориляпти.** Натижалар умумлаштирилиб, ҳукумат вакиллари иштирокида йилда икки марта кенг муҳокама қилинмоқда. Шу тарзда ўтган давр мобайнида **50** дан зиёд қонун тизимли таҳлилдан ўтказилиб, улардаги номувофиқликларни бартараф этиш, замон талабларига жавоб бермайдиган нормаларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва ҳукуматга тақдим этилди.

Сенатнинг ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ваколатлари ҳам кенгайтирилди. Натижада парламент ва ҳукумат ҳамкорлиги кучайди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча муҳим масалалари юзасидан ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва бошқа мутасаддиларнинг ҳисобот ва ахборотларини мунтазам эшитиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бу амалда қандай самара бераётгани барчага маълум.

Парламент сўрови институти фаол қўлланилаётгани бу борадаги яна бир ютуғимиз бўлди. Охириги икки йилда турли соҳалардаги долзарб масалалар юзасидан ҳукуматга 31 та, жумладан, шу йилнинг ўзида 5 та парламент сўрови юборилган ҳамда уларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти ҳал этилган.

Парламент сўровига фақат назорат шакли сифатидагина эмас, балки унда кўтарилган муаммони ҳал қилишда ҳукумат билан амалий ҳамкорлик воситаси сифатида ёндашилмоқда. Қолаверса, сенаторлар томонидан юборилаётган юзлаб сўровлар ҳудудлардаги муаммоларнинг самарали ечим топишига хизмат қиляпти.

Ҳудудлар манфаатларини илгари суриш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар устуворлигини таъминлаш учун маҳаллий кенгашларда қонунлар муҳокамасини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилган. Депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар Сенатнинг масъул қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, кўп ҳолларда қабул қилинмоқда.

Шу тариқа Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорлик кучайтирилди. Бунинг учун ўндан зиёд қонунга тегишли ўз-

гартиш ва қўшимчалар киритилиб, маҳаллий кенгашлар ваколати кенгайтирилди, уларда доимий фаолият юритувчи алоҳида котибиятлар ташкил этилди. Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий кенгашларга бириктирилиб, улардаги доимий комиссиялар иши Сенат қўмиталари фаолияти билан уйғунлаштирилди. Доимий комиссиялар раислари ва котибиятлар вакиллари Сенат ялпи мажлисларида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда маҳаллий кенгашлар депутатлари учун махсус ўқувлар йўлга қўйилди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, халқаро майдондаги нуфузини ошириш билан боғлиқ қатор муҳим йўналишларда ҳам Сенат зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Хусусан, гендер тенгликни таъминлаш, одам савдоси, мажбурий меҳнат ҳамда коррупцияга қарши курашиш, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш, барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ташкил этилган миллий комиссиялар ва кенгашлар фаолиятига Сенат Раиси раҳбарлик қилмоқда.

Сенат хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш, 2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, олий даражадаги ташрифлар натижасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш, жумладан, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши каби муҳим йўналишларда ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Бугун айрим давлатлар ўртасида қарама-қаршилиқ, миллий ва диний зиддиятлар авжига чиқиб бораётган бир даврда халқ дипломатияси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этади. Парламентлараро йўлга қўйилган ҳамкорлигимизнинг асосий йўналишларидан бири ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстона муносабатни кенгайтиришдан иборат.

Жумладан, Парламентлараро иттифоқ, МДҲ парламентлараро ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси каби халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланди. Улар

билан биргаликда қатор халқаро форум ва анжуманлар ўтказилди. Бухоро шаҳрида ўтказилган «Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик» ҳамда Самарқанд шаҳрида кенг жамоатчилик ва дин арбоблари иштирокида ташкил этилган «Миллатларо тотувлик ва динларо бағрикенгликни таъминлашда парламентнинг роли» каби мавзулардаги йирик халқаро форумларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти тузилди. Унга илк раислик қилган Ўзбекистон томонидан мулоқот доирасида **10** дан ортиқ тадбир ўтказилиб, **8** та якуний ҳужжат қабул қилинди. Уларда минтақа аёлларининг давлат бошқаруви, превентив дипломатия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва бизнес, маданият, таълим, фан, санъат, гендер тенглик, умуман, барқарор ривожланиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар қамраб олинган.

Халқаро алоқаларимиз ҳақида сўз борганда, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган **25** та парламентларо гуруҳ ва **2** та комиссия фаолияти йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, Россия Федерал Мажлиси билан парламентларо қўшма комиссия фаолияти қайта тикланди, АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан дўстлик гуруҳи тузилди. Туркий тилли давлатлар парламент ассамблеяси ва бошқа шу каби нуфузли халқаро парламент тузилмалари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларимиз кенгайиб бормоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хотин-қизлар форумида ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро муносабатларни кенгайтиришда хотин-қизлар салоҳиятини тўлиқ сафарбар этиш, ШХТ мақомида инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни янада фаоллаштиришга қаратилган қўшма коммюнике қабул қилинди.

Ўтган йили Парламентларо иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг Венада бўлиб ўтган саммитида мазкур форматдаги навбатдаги 14-саммитни Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида келишувга эришилган эди. Ушбу халқаро анжуманнинг илк бор МДХ ҳудудида, айнан юртимизда ўтказилаётгани ҳам мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жамиятни демократлаштириш бораси-

даги ислохотлар, уларнинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилаётганига ёрқин мисол бўла олади. Жорий йил сентябрь ойида «Парламентнинг етакчи роли: янада самарали барқарорлик ва фаровонликни таъминлашда хавф-хатарни баҳолаш» мавзусида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро тадбирда дунёда юзага келган бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда энг долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Сўнгги йилларда халқимиз Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улкан марралар сари дадил одимламоқда. Турли ҳудудларда қурилаётган йирик иншоотлар, қад ростлаётган муаззам иморатлар Ўзбекистоннинг нақадар юксаликка интилаётганини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти нақадар буюклигини намоён этмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳрида давлатимиз раҳбарининг бевосита ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган «Буюк ипак йўли» халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросимида иштирок этган, уни оммавий ахборот воситалари орқали томоша қилган миллионлаб юртдошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғулари янада юксалди.

«Боқий шаҳар» мажмуаси, унинг теварагидаги катта майдонни эгаллаган, энг замонавий талабларга жавоб берадиган кўркам бинолар, Улуғбек астрономия мактаби вакилларининг тадқиқотлари натижаси бўлган буюк мерос — «Зижи жадиди Кўрагоний» тимсолидаги кўркам амфитеатр, қадимий Самарқанднинг бетакрор қиёфасини гавдалантирган обидалар, муаззам туризм маркази, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз номидаги меҳмонхона, янги «Samarqand city» манзаралари ҳар қандай кишини ҳайратлантиради, ҳаяжонга солади. Шубҳасиз, буларнинг бари яна ўз мавқеига қайтаётган, халқимизнинг буюк тарихи ҳамда бугунги фаровон замонни ўзида уйғунлаштирган Самарқанд дунёдаги энг қадимий, энг гўзал ва обод шаҳар, «Ер юзининг сайқали» сифатида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Президентимиз бу каби лойиҳаларни Бухоро шаҳрида, юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга ошириш режалаштирилаётганини алоҳида таъкидлади. Зотан, бунёд этилаётган мана шундай улуғвор обидалар, осмонўпар бинолар ҳамда аҳоли учун барча қулайликларга эга «Янги Ўзбекистон» массивлари ватандошларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларни юксалтириш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу ғояларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасидир.



Нурдинжон ИСМОИЛОВ,
Спикер Законодательной палаты
Олий Мажлиса Республики Узбекистан

НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН – НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

31-я годовщина независимости Родины широко отмечается в стране, воплощая в себе главную идею «В новом Узбекистане достоинство человека, интересы народа – наивысшая ценность». В ее основе лежит глубокий смысл. Ведь в последние годы такие принципы и понятия, как «Человек – общество – государство», «Государство – для человека», «Прославление чести человека», «Во имя достоинства человека», глубоко вошли в нашу жизнь.

В эти дни мы еще раз убеждаемся, что масштабные реформы, проводимые во всех сферах и отраслях, направлены на реализацию благой цели – прославление достоинства человека и поиск решений вопросов, волнующих наш народ.

Анализируя достижения и успехи, можно с уверенностью сказать, что сегодня метод работы Президента по решению любого вопроса, связанного с жизнью государства и общества, с учетом мнений, требований и пожеланий граждан вполне себя оправдал. Ведь такие принципы, как «быть среди народа, слушать его заботы», «пропускать через свое сердце заботы граждан», «решение проблем на месте», стали главными критериями в деятельности всех государственных служащих.

Глава государства изучает эффективность

реформ по социально-экономическому развитию регионов, **выезжая на места, ведет открытый диалог** с представителями разных сфер.

В частности, проведены открытые диалоги с **представителями сферы здравоохранения, молодежью и предпринимателями**. На них обсуждались актуальные вопросы развития отраслей, **заслушаны предложения**, выдвинуты **важные инициативы** по решению волнующих их проблем. Безусловно, подобное непосредственное общение служит дальнейшему ускорению реформ во всех сферах и отраслях, устранению системных проблем, своевременному решению актуальных вопросов.

Под руководством Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева в рамках **Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах** реализованы масштабные реформы по углублению демократических преобразований, обеспечению экономической стабильности, повышению благосостояния народа.

Краеугольный камень нового Узбекистана был заложен в результате реализации государственных программ, ежегодно принимаемых и последовательно осуществляемых в рамках **Стратегии действий**, которая послужила основным правовым фундаментом системных позитивных изменений в стране.

Исходя из накопленного на основе Стратегии действий опыта разработана **Стратегия развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы**, в которой предусмотрены тенденции поступательного прогресса Узбекистана на ближайшую и среднесрочную перспективу, приоритетные направления и цели.

Стратегия развития, основанная на принципе «Во имя чести и достоинства человека», служит важным фактором повышения благосостояния населения, всестороннего развития государства и общества, модернизации страны, либерализации всех сфер жизни.

Такие цели, как построение народного государства, более эффективное обеспечение прав, интересов и достоинства человека, определенные в **Стратегии развития**, которая считается главным и важным документом на ближайшие пять лет, обусловили необходимость создания **нового конституционно-правового пространства**, соответствующего проводимым в стране коренным реформам.

В ходе **выборов Президента Республики Узбекистан**, состоявшихся в прошлом году, общественностью было **выдвинуто много предложений** по внесению изменений в **Основной закон** и доведению его до уровня сегодняшних требований. Все это свидетельствует о том, что народ **небезразличен** к происходящим масштабным преобразованиям и стремится быть **активным участником реформ**.

В целях обеспечения эффективности конституционной реформы образована **Конституционная комиссия по формированию предложений о внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан и реализации организационных мер**.

Во всех регионах в соответствии с соблюдением **принципов открытости** проводятся мероприятия по разъяснению конституционной реформы, охватывая все слои населения. Депутаты, будучи **в округах**, проводят встречи и **прямые диалоги** с населением, доносят **до граждан суть и значение** конституционной реформы.

Мероприятия, проводимые в рамках Стратегии развития по **реформированию системы государственного управления**, создали основу для достижения определенных положительных результатов в деятельности палат Олий Мажлиса. За истекший короткий период коренным образом изменились **роль и значе-**

ние избираемых народом представительных органов – парламента и Кенгашей народных депутатов в общественно-политической жизни страны.

Жизненно важные и народные принципы в законотворчестве

Принимая во внимание наличие весьма актуальных задач в области нормотворчества на новом этапе развития Узбекистана, большое внимание уделяется **дальнейшему повышению качества работы** нижней палаты в части законотворчества.

На основе приоритетного принципа, что «единственным источником и автором закона должен быть народ», в нормотворчество внесены **новые демократические процедуры, которых ранее не было**.

В частности, в целях создания правовой базы для последовательно проводимых реформ **вносятся изменения и дополнения в действующие законы**. В целях донесения до населения сути и значения таких документов в простой и понятной форме, организации правильного применения и толкования норм представителями правоприменительной практики **в вводящей части** законов о внесении изменений и дополнений внедрена практика введения преамбул, **раскрывающих суть и значение, а также актуальность вопроса**. Это позволяет **гражданам и правоприменителям** на понятном и доступном языке понять закон, в который предусматривается внести изменения и дополнения.

В целях систематизации и развития национального законодательства установлена практика принятия **нового закона вместо новой редакции закона**. Законодательная палата превращается в настоящую школу демократии, в поле беспристрастных дебатов и споров по каждому законопроекту. **Эксперты и специалисты сферы** с представителями органов, иницирующих принятие закона, активно участвуют в обсуждении законопроектов, создаются все возможности в выражении ими своего мнения.

Законопроекты перед внесением в нижнюю палату выносятся на общественное обсуждение, тщательно изучается мнение населения. Уделяя особое внимание современным методам привлечения широкой публики, в том числе внедрению информационно-коммуникационных технологий, запущен **портал для обсуждения проек-**

тов нормативно-правовых документов (*regulation.gov.uz*).

Наряду с этим особое внимание уделяется обеспечению участия общественности в процессе рассмотрения законопроектов в Законодательной палате, выслушиванию мнений граждан, проведению открытых обсуждений среди населения. В частности, в Законодательной палате принят **особый порядок публичного обсуждения законопроектов**. Так, на постоянной основе депутаты на местах обсуждают проекты законов с избирателями.

Сегодня и размах законотворческой деятельности, и объем работы Законодательной палаты созвучны проводимым реформам. Так, если в 2016 году было принято и направлено в Сенат **19** законов, то за истекший период этого года направлено **49** документов.

Также внедрена практика обсуждения законопроектов преимущественно **во фракциях политических партий в Законодательной палате и комитетах**. Всестороннее рассмотрение законопроектов с участием представителей субъектов права законодательной инициативы, специалистов и экспертов государственных органов значимо тем, что при их принятии учитывается **полное отражение в правовых документах интересов избирателей**, а также их **эффективное внедрение в жизнь**.

Вместе с тем в рамках реформ, проводимых на основе Стратегии развития нового Узбекистана, пересматриваются законодательные процессы, регулирующие всю сферу, и принимается ряд комплексных законов.

Среди них законы **«Об административных процедурах»**, **«О рекламе»**, **«О государственной гражданской службе»**, **«О почтовой связи»**, **«О неплатежеспособности»**, **«О государственном долге»**, **«Об управлении государственным имуществом»**.

Следует отметить, что принятие Закона **«Об административных процедурах»**, который разработан в целях определения единой правовой основы административных процедур, послужило расширению сферы применения документа. В нем четко определено его применение в сферах пенсионного обеспечения, налогового и таможенного администрирования, государственного контроля, выделения и конфискации земельных участков.

В целях обеспечения надежной защиты прав граждан введены **новые принципы**, та-

кие как **запрет на принятие произвольных решений должностными лицами, недопущение отказа в применении права**, определенного в правовых документах.

Определено, что граждане могут действовать на основе законности решений и действий государственного органа. Он был дополнен нормами, гарантирующими, что ошибка государственного органа в принятии решения не повлечет за собой негативных последствий для гражданина.

Также законом был введен **институт «совместного представителя»**. Теперь, если по одному обращению выступают **50** и более граждан, они могут назначить совместного представителя, а во избежание затягивания административной работы определено, что все процессы будут проводиться в рамках одного заседания.

Закон **«О процедурах изъятия земельных участков для общественных нужд с компенсацией»** предусматривает такие принципы, как изъятие земельных участков для общественных нужд с компенсацией, **приоритет права собственности, неприкосновенность частной собственности, целевое использование** изымаемого земельного участка, законность, открытость и прозрачность, **гарантированность компенсации**.

Учитывая, что нормотворчество является основным фактором реализации сегодняшних реформ, целесообразно его дальнейшее совершенствование, так как совершенствование принятых законов послужит повышению благосостояния народа, более полному обеспечению его прав и свобод.

Действенный парламентский контроль обеспечит эффективность реформ

За истекший период Законодательная палата в своей контрольно-аналитической деятельности уделила особое внимание проведению эффективного **парламентского мониторинга** за реализацией целей, определенных в **Стратегии развития нового Узбекистана, Государственной программе «Год обеспечения интересов человека и развития махалли»**.

Особого внимания заслуживают **инициативы** Президента, направленные на **повышение роли парламента** в системе механизмов **взаимного уравнивания и сдерживания** всех ветвей государственной власти.

В частности, в последние годы в деятель-

ность Законодательной палаты внедрена практика рассмотрения отчета Кабинета Министров о выполнении **государственной программы и утверждения кандидатур** в члены правительства. Введен **институт «правительственный час»**, определена возможность направления **парламентского запроса** руководителям органов хозяйственного управления, налажена система заслушивания на **заседаниях нижней палаты** информации по их деятельности.

Подобные реформы в парламентской деятельности, особенно введение **таких форм подотчетности**, коренным образом повышают открытость и ответственность правительства. Вопросы, поднятые населением на местах, выносятся на **рассмотрение правительства**.

Особое внимание обращается на реализацию контрольных полномочий в деятельности Законодательной палаты. В рамках осуществления контрольных задач Законодательной палатой проведено **24** контрольно-аналитических мероприятия, **16** парламентских слушаний, **5** правительственных часов, направлено **3** парламентских запроса и **206** депутатских запросов.

В ходе деятельности парламентского контроля особое внимание уделялось развитию соответствующей сферы, выработке конкретных предложений по устранению имеющихся недостатков, а также критической оценке работы должностных лиц. Это в свою очередь послужит дальнейшему повышению эффективности деятельности членов правительства и должностных лиц, а значит, обеспечению удовлетворенности граждан деятельностью государственных органов, повышению благосостояния нашего народа.

В приоритете – интересы избирателей и электората

Политические партии – большая сила, которая способствует развитию общества и выдвигает **смелые идеи** и **инициативы** на благо людей. Структурами, продвигающими интересы политических партий, являются их фракции в Законодательной палате.

Значимое место в законотворческой деятельности фракций занимает институт **консультации с электоратом**, созданный в целях обеспечения народности норм в законопроектах, а также дальнейшего улучшения жизни общества.

Мнения и предложения по законопроектам, полученные на местах, **обобщаются** политическими партиями и рассматриваются на заседаниях фракций. В результате интересы **избирателей** и **электората** партии находят отражение в каждом обсуждаемом в Законодательной палате законопроекте. Кроме того, при обсуждении законопроектов у фракций появилась возможность продемонстрировать свою **принципиальную позицию**. Как отметил глава государства, депутаты смогут **оправдать доверие избирателей** только в том случае, если продемонстрируют свою **твердую позицию** по каждому законопроекту, вынесенному на обсуждение.

С этой точки зрения действующая в данном направлении практика при обсуждении законопроектов, находящихся на рассмотрении в Законодательной палате, резко обострила **атмосферу межфракционного соперничества**. В результате таких межфракционных дебатов и споров три законопроекта были возвращены субъекту – инициатору документа и четыре законопроекта возвращены в ответственные за их рассмотрение комитеты.

Кроме того, бурные дебаты наблюдались во время межфракционных обсуждений законопроектов об изъятии земельных участков для общественных нужд с компенсацией, совершенствовании деятельности судов, работе с электронными доказательствами, борьбе с коррупцией, регулировании рекламной отрасли.

Парламент становится истинным выразителем воли народа

Инициативы Президента по совершенствованию механизмов налаживания прочных отношений между депутатами и избирателями дают парламенту возможность глубоко изучать проблемы, волнующие население, быть мостом между народом и государственными институтами, в полной мере выражать интересы избирателей.

Налажена система постоянного диалога с населением, в частности, с избирателями, а решение волнующих их вопросов стало приоритетным направлением деятельности депутатов на избирательных участках.

Если раньше депутаты встречались с гражданами три-четыре раза в год, то теперь последняя неделя каждого месяца отводится для работы в округах. Этот важный шаг в выраже-

нии интересов избирателей позволил сформировать устойчивый механизм по получению информации о потребностях, проблемах и реальной ситуации на местах.

В ходе работы в избирательных округах депутаты ведут разъяснительную работу о сути и значении проводимых широкомасштабных реформ в рамках Стратегии развития нового Узбекистана, новых законов, законотворческой и контрольно-аналитической деятельности Законодательной палаты.

Избранники народа, кроме того, по обращениям граждан изучают проблемы и недостатки, уделяют особое внимание вопросам, требующим решения в важных аспектах общественной жизни с учетом мнения народа и интересов населения.

Также они знакомятся с деятельностью социально-экономических объектов, рынков и торговых центров, махаллей, проводят подворовый обход, проводят встречи с населением, беседуют с представителями субъектов предпринимательства и молодежи.

В частности, за первое полугодие текущего года депутаты в ходе подворового обхода побывали в **7 331** доме, провели **4 024** встречи. Кроме того, организованы прямые диалоги с более **86** тысячами граждан, в том числе со свыше восемью тысячами предпринимателей, также ознакомились с деятельностью **2 354** объектов социальной сферы.

В результате таких выездных встреч и изучений депутаты своевременно выявляют и устраняют проблемы и недостатки, волнующие население и избирателей.

По новому механизму налажена работа и местных Кенгашей народных депутатов. В частности, теперь местные Кенгаши наделены полномочиями заслушивать отчеты руководителей органов прокуратуры, внутренних дел, здравоохранения, финансов и налогов, а также хокима и его заместителей. В результате усиливается их роль в общественно-политической жизни общества.

Примечательно, что в последние годы укрепилось практическое взаимодействие между палатами Олий Мажлиса и местными Кенгашами. В частности, в рамках определенных Государственной программой «Год обеспечения интересов человека и развития махалли» задач разработана и утверждена «дорожная карта» по укреплению сотрудничества палат Олий Мажлиса с местными Кенгашами.

Депутаты оказывают практическую помощь местным Кенгашам народных депутатов, привлекая их исходя из их партийности принимать участие в диалогах с населением. То есть на постоянной системной основе налажена совместная работа Законодательной палаты и ее комитетов с местными Кенгашами.

Кроме того, в ходе своей деятельности в избирательных округах депутаты Законодательной палаты оказывают практическую поддержку местным Кенгашам народных депутатов, их постоянным комиссиям, партийным группам, секретариатам, созданным при них, в налаживании эффективной работы.

Это имеет важное значение для дальнейшего развития взаимного сотрудничества между палатами Олий Мажлиса и местными Кенгашами, полноценного выполнения ими своих функций как представительных органов.

Открытость и прозрачность — главные критерии

В целях **открытости и прозрачности, широкого информирования** населения о деятельности Законодательной палаты, ходе проводимых в нашей стране реформ, характере и значении принимаемых законов, а также повышения политической и правовой культуры граждан депутаты наладили тесное взаимодействие со **средствами массовой информации**.

В социальных сетях и на видеохостинге YouTube открыты официальные страницы **Законодательной палаты Олий Мажлиса**, где в режиме **онлайн** освещаются заседания Законодательной палаты.

Активность народных избранников в социальных сетях играет важную роль в **более тесном общении** с избирателями, изучении проблем граждан, а главное, внесении изменений в действующее законодательство.

Тот факт, что за заседаниями Законодательной палаты можно наблюдать **в прямом эфире**, повысил интерес народа и широкой общественности к процессу обсуждения и принятия законопроектов в нижней палате.

В результате **прямой трансляции** заседаний от общественности поступает много **предложений**, граждане высказывают **мнения** по обсуждаемым в Законодательной палате вопросам.

Следует отметить, что при обсуждении законопроектов в Законодательной палате

формируется **совершенно новая система** учета мнения граждан.

Безусловно, выдвинутые общественностью предложения имеют важное значение в дальнейшем совершенствовании нормотворческой деятельности Законодательной палаты. На данный момент это служит обеспечению открытости и прозрачности деятельности депутатского корпуса.

Усиливается международное сотрудничество

Сейчас мировое сообщество признает, что миролюбивая внешняя политика нового Узбекистана последовательно реализуется на основе принципов взаимного доверия, сотрудничества и открытости.

Вопросы продвижения инициатив Узбекистана в международных организациях и **активизация сотрудничества с международными межпарламентскими организациями** всегда находятся в центре внимания парламента.

Как отметил Президент Шавкат Мирзиёев, **сама жизнь требует повышения роли и влияния парламента** в выполнении актуальных и неотложных задач, связанных с повышением авторитета нашей страны на международной арене.

В рамках **Концепции парламентской дипломатии Республики Узбекистан** последовательно продолжают многосторонние и эффективные отношения сотрудничества с парламентами зарубежных стран и международными организациями.

Узбекистан эффективно сотрудничает с самыми влиятельными международными парламентскими организациями мира – **Межпарламентским союзом, Парламентской ассамблеей Организации по безопасности и сотрудничеству в Европе, Межпарламентской Ассамблеей Содружества Независимых Государств.**

В настоящее время в Олий Мажлисе ведут деятельность **53** группы межпарламентского сотрудничества с зарубежными парламентами. Эти группы межпарламентского сотрудничества служат постоянно действующей площадкой **для дальнейшего развития отношений с законодательными органами зарубежных стран** и в свою очередь становятся удобным механизмом ведения открытого, конструктивного и живого диалога с представителями

зарубежных парламентов.

Следует отметить, что в деятельность парламента **внедрен новый институт.** Кенгашами палат Олий Мажлиса разрабатываются **«дорожные карты»** по решению важных задач, связанных с внутренней и внешней политикой страны, проводится ряд соответствующих работ. Такой институт служит не только повышению ответственности народных избранников, но и **обеспечению** того, чтобы **парламент не оставался в стороне** от проводимых масштабных реформ.

История парламентаризма в Узбекистане тесно переплетена с историей независимости страны. Сформировавшись с первых дней независимости, парламент на всех этапах 31-летней истории играл важную роль в деле обеспечения устойчивого развития страны, формирования подлинно демократической системы народовластия.

Инициативы Президента Шавката Мирзиёева, направленные на дальнейшую демократизацию национальной политической системы и основ государственного управления, усилили роль и значение Олий Мажлиса в жизни нашего общества.

Деятельность Олий Мажлиса является важным вкладом в дело обеспечения устойчивого развития страны, формирования подлинно правового государства, создания в нем конструктивной и созидательной обстановки.

*Конечно, **все мы понимаем**, что перед нами стоят **важные, грандиозные задачи**, направленные на дальнейшее развитие нашей страны. Мы уверены, что **наш парламент**, сформированный как истинный **демократический орган, отражающий интересы граждан**, занимающий достойное место в системе органов государственной власти и активно участвующий в широкомасштабных реформах, проводимых в стране, **станет продолжателем реформ**, направленных на установление народного государства, стремительное развитие национальной экономики, обеспечение благосостояния нашего народа и процветания Родины.*

*Исходя из **Стратегии развития нового Узбекистана** проводимые реформы по дальнейшему усилению роли парламента в системе государственной власти требуют от депутатов **большей активности**, привнесения в рабочий процесс **нового духа и особого содержания.***

Фозилжон ОТАХОНОВ,
Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти директори,
юримдик фанлар доктори, профессор

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Бугун тарихий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий аҳамиятга молик конституциявий ислоҳотлар жараёнининг бевосита шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу паллада халқимиздаги конституциявий ватанпарварлик ифодасининг гувоҳи бўляпмиз.

Ватанпарварлик нима?

Конституциявий ватанпарварлик-чи?

Ватанпарварлик – ватанга муҳаббат ва садоқат, ватан учун хизмат қилиш ва бу йўлда бутун умрини, салоҳиятини бахшида этиш, керак бўлса жонини фидо қилиш демакдир. Ватанпарварлик барча инсонлар, миллатлар, халқлар учун умумий, асрлар давомида сайқалланиб келаётган умуминсоний туйғу, маънавий қадриятдир. Тарихан инсонларнинг ўз ватанлари тақдири билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд дахлсизлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши жараёнида такомиллашиб келган ҳис-туйғулар жамланмаси ҳамдир. Бу ватаннинг ўтмиши ва бугуни билан фахрланишда, келажаги учун қайғуриш ва дахлдорликда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Ватанпарварлик – ватанни фақат бойликлари, ҳамма қулайлик ва шароит муҳайёлиги учун эмас, борича севиш ва кўз қорачигидек асрашдир. Бирор сабаб билан мамлакат ҳудудидан чиқиш зарурати туғилганда ҳам ҳали аэропортдан учмасдан олдин юрак ватанни қўмсай бошлаши ва сафар давомида ҳам унинг соғинчида, бор вужуди ва имконияти билан тезроқ она заминга қайтишга интилиб яшашдир. Турли тадбирларда, уйда, кўчада, қаерда бўлмасин, ватан мадҳияси янграганда, байроғи кўтарилганда уларга чин ҳурмат белгиси намоён бўладиган, вужудни ажиб ҳаяжон чулғаб, қалб хапқириб кетадиган ҳиссиётдир. Миллий ғурурдир. Ватан шаънига кимдир ножўя гап айтганда унга қарши уйғонадиган ички туғёндр.

Буюклар бежизга «бирор кишининг вафодорлиги ва садоқатини билмоқчи бўлсанг унинг ўз ватанига муҳаббати ва қайғуришига эътибор бер» дейишмаган. Чунки Ватан ягона, у сотилмайди, сотиб олинмайди, инъом этилмайди, қарзга берилмайди. Кимки ўз юртини севса, унга содиқ бўлса, демак, у инсонни ҳам севади ва унга вафо қилади.

Улуғ аллома Алишер Навоий ҳазратларининг «Ватан таркини бир нафас айлама, Ани ранжи –

ғурбат, ҳавас айлама» деган мисралари ҳар бир кишининг вужудида ватанпарварлик туйғуларини уйғотади, инсон қалбида ғурур ва садоқат ҳиссини янада тўлқинлантиради.

Конституциявий ватанпарварлик эса ватанпарварликнинг ўзига хос тури бўлиб, илк бор XX асрнинг 40-йиллари охирида Германияда қўлланилган. Немис сиёсатшунос файласуфи ва сиёсий ғоялар тарихчиси Я.В.Мюллер ҳозирги вақтда «конституциявий ватанпарварлик»нинг ягона фалсафий ҳуқуқий таърифи йўқлигини, том маънода у фуқаролар ишончи ва давлат ҳокимияти манбаи бўлиб хизмат қилишини таъкидлайди. Зотан, бу ибора моҳиятига кўра, сиёсий садоқат демократик Конституциянинг нормалари, қадриятлари ва тартиб-қоидаларига асосланиши керак.

Сиёсатшунос Д.Штернбергерга кўра, давлат ўз фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилса ва амалда таъминласагина муайян одамлар жамоаси сифатида тирикдир. Бу, Европа анъаналарига кўра, ҳар доим давлат тузилиши билан боғлиқ бўлган. Шу тариқа олим XX асрнинг 70-йилларида жамоатчилик эътиборини ушбу атамага жалб этиш билан Германияда Бош қонуннинг юксак аҳамиятини акс эттирган.

Бугунги кунда Германияда Бош қонун жуда оммалашган. Мулоҳазамизни жамоатчилик фикрини ўрганиш институти Infratest dimap 2019 йилда ўтказган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Яъни респондентларнинг **88** фоизи Асосий қонунни яхши (**58** фоизи) ёки жуда яхши (**30** фоизи) деб қайд этган. Бу фикрга аҳолининг деярли барча қатлами қўшилган. Аксарият кишилар учун Асосий қонун, энг аввало, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўнгра тенглик ва тенг ҳуқуқлилиқ, матбуот, умумий фаолият ва сўз эркинлиги демакдир.

Шундай қилиб, **конституциявий ватанпарварлик** – Конституцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ-эркинликларига, умуминсоний қадриятларга асосланади ва муайян давлатдаги инсонларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирадиган фалсафий-ҳуқуқий тушунчадир. Конституциявий ватанпарварлик юксак даражада мавжуд бўлган жамиятда ва дав-

латда толерантлик, миллатлар ва элатлараро тотувлик, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлади.

Бу тушунчанинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, у ватанпарварликнинг бошқа шакллари мувофиқлаштирувчи муҳим туридир. У ватанпарварлик шакллари амалда намоён бўлиши кўрсаткичларининг чегарасини белгилайди. Конституциявий ватанпарварлик ҳукмрон жамиятда ва давлатда ҳокимиятдаги партия ҳам, мухолифат ҳам, инсонлардан тортиб давлат органларига-ча фақат Конституция нормалари асосида ва унга содиқлик билан фаолият олиб боради.

Эътироф этиш жоизки, **Янги Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг асосий мақсади** ҳар бир инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, фаровонлиги ва манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қиладиган инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлатни барпо этиш ҳамда очиқ, адолатли ва баркамол фуқаролик жамиятини шакллантириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, демократия ғояларига, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби олий қадриятларга ўз содиқлигини ифода этишдан иборат.

Шу боис конституциявий ватанпарварлик халқимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига чексиз ҳурмати, эътиқоди ва садоқати конституциявий ислохотлар жараёнининг қуйидаги босқичларида ёрқин намоён бўлмоқда.

Биринчи – конституциявий ислохотлар ташаббуси босқичи.

Таъкидлаш керак, **кенг жамоатчилик конституциявий ислохотлар ташаббускоридир.**

Бу босқичда конституциявий ислохотларнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси Президентимиз, асосий ташаббускори эса аҳолининг кенг қатлами – ўқитувчи, ишчи, фермер, тадбиркор, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари десак, ҳақ гапни айтган бўламыз.

2021 йил октябрда Ўзбекистон Президентлигига сайлов жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида фуқароларимиз, кенг жамоатчилик ва сиёсий партиялар вакиллари мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантиқий давоми бўладиган чинакам ҳаётий таклифлар билан чиқдилар.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида сайловчилар билан учрашувида Конституцияга ўзгартиш киритиш бўйича **биринчи таклиф** илгари сурилганди. Унда наинки минтақавий, қолаверса глобал даражадаги экологик фожиа – Орол денгизи қуриши билан боғлиқ вазиятда амалдаги

Конституциямизда ўз аксини топмаган инсоннинг экологик, ҳозирги ва келажак авлодларнинг қулай ва тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини Бош қонунимизда акс эттириш масаласи кўтарилган эди.

Кейинчалик Ш.Мирзиёевнинг вилоятлар бўйлаб сайловчилар билан учрашувларида хусусий мулк муҳофазасига оид конституциявий-ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаш, ер, ер ости бойликларига бўлган ҳуқуқлар, инсон қадри, миллатлар ва элатлараро тотувликни кучайтириш, маҳалланинг ўрни ва мақомини ошириш, инсоний қадриятларни келажак авлодларга етказиш, оиланинг аҳамияти, давлат томонидан ёшлар ва гендер сиёсатини, инновацион иқтисодиёт ва «билимлар иқтисодиёти»ни ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий соҳаларга инвестициялар ҳажмини кенгайтириш каби ташаббуслар қилинди.

Бошқа партиялардан номзодларнинг учрашувлари чоғида ҳам, жумладан, «Миллий тикланиш» демократик партияси – миллий анъана, қадриятларни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, «Адолат» социал-демократик партияси – суд ҳокимияти мустақиллиги, қонунлар ва суд қарорлари одиллиги, Конституция устунлиги, қонун ва инсон ҳуқуқлари устуворлигининг, коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, Халқ демократик партияси – ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари, айниқса, ногиронлиги бор шахсларнинг конституциявий ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий йўналишга эга давлат қуриш, Экологик партия – яшил иқтисодиётга ўтиш, экологик ноқулай ҳудудларда вазиятни яхшилаш бўйича таклифлар билдирилди.

Энг муҳими, бу жараёнларда фуқароларимиздаги конституциявий ватанпарварликнинг амалдаги Бош қонунимизга содиқлик, ҳурмат ва юксак ишонч белгиларини кўрдик.

Бу бежиз эмас. Бинобарин, барча қонунлардан устун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун асос бўладиган Конституциянинг қатор функциялари мавжуд бўлиб, энг муҳимларидан бири давлатчилик ривожигаги ворисликни таъминлашдир. Сиёсий функциясига кўра, Конституция жамият сиёсий тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти билан муносабатларини мувофиқлаштиради, сайловлар ва референдум каби бевосита демократия институтларини мустаҳкамлаш орқали жамиятда сиёсий барқарорликни, инсонлар ўртасидаги тотувлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликни таъминлайди, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосларини, барча муҳим йўналишларини акс эттиради.

Юридик функцияга асосан Асосий қонун юридик мазмун-моҳиятга эга ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, бутун ҳуқуқий ва қонунчилик тизимлари ўзагини ташкил этади, жамият ва давлат ҳаётининг асосий принципларини мустаҳкамлайди. Шу боис жамиятдаги юридик ҳаёт ва амалиёт, шу жумладан одил судлов конституциявий қоидалар асосида шаклланади.

Тарбиявий-мафкуравий функцияга мувофиқ, Конституция халқ иродасини, руҳиятини, ижтимоий онг ва маданиятини акс эттиради. Унда жамият равнақида туртки берувчи, муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилувчи ғоялар ўз ифодасини топади. Конституцияда мужассамлашган мафкура жамиятни, халқни муайян мақсадлар сари етаклайди ва сафарбар қилади.

Фикримизни давом эттирадиган бўлсак, юқоридаги ташаббуслар асосида Президентимиз инсон ҳуқуқ-эркинликларига ва Конституцияга риоя этилишининг кафили сифатида аҳоли таклифларини амалга ошириш учун **конституциявий ислоҳотларни ўтказиш ғоясини илгари сурди**.

Шу билан бирга, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама бамаслаҳат, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимизнинг **«Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик йилларида эришган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Буни ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Конституциямиз хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ»**,- деб эътироф этганлари конституциявий ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги кенг қўламли вазифалар, инсонпарвар ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсоннинг қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали таъминлаш йўлидаги мақсадлар мамлакатимиздаги туб ислоҳотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш заруратини юзага келтирди. Шунга асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнига эга **Ўзбекистон Либерал-демократик партияси** ва **«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг** 2022 йил 17 майдаги қўшма мажлисида **конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ташаббуси** илгари сурилди.

Бунда кенг жамоатчилик фикрини, халқаро

конституциявий тажрибани ўрганган ҳолда, пухта ўйланган таклифлар тайёрлаш лозимлигини эътиборга олиб, Асосий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид ташкилий-ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашларига таклиф киритилди.

Таклиф палаталар Кенгашларининг 2022 йил 20 май кунги қўшма йиғилишида кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланди ҳамда қўшма қарор билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича **Конституциявий комиссия** тузилди.

Иккинчи – Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни жамлаш босқичи.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг қўшма қарори яна шуниси билан диққатга сазоворки, унда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини янги таҳрирда қабул қилиш ёки янги Конституцияни яратиш эмас, балки унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди. Бу парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакилларининг **конституциявий ватанпарварлигидан** далолатдир.

Яхши эслаймиз, 1992 йил 8 сентябрда амалдаги Конституциямиз лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига тақдим этишга қарор қилингандан сўнг лойиҳани тайёрлаш ишлари 1992 йил 26 сентябрь куни якунланиб, шу куни матбуотда эълон қилинганди. Бу амалиётдан фарқли равишда жорий йил 20 май куни тузилган Конституциявий комиссия томонидан амалдаги Асосий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасидаги Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлашдан олдин, энг аввало, аҳолининг фикрлари, таклифлари ва ташаббуслари ўрганилди, жамланди.

Чунончи, аъъанавий алоқа воситаларидан ташқари таклифларни оғзаки тақдим этиш учун барча шароит яратилди. Таклифларни электрон тарзда йўллаш учун Интернет ва ижтимоий тармоқларда махсус саҳифалар ишга туширилди. Масалан, meningkonstitutsiyam.uz платформи, 1341 қисқа рақамли колл-марказ, аъъанавий почта алоқаси, маҳаллалар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, «Telegram» мессенжеридаги махсус бот, taklif@meningkonstitutsiyam.uz ёки taklif@2022.uz электрон почталари орқали таклифларни қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, халқимиз билдирган таклифлар кўлами, мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳам **юртдошларимиздаги конституциявий**

ватанпарварликни намоён қилди, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онг даражаси юқорилигини кўрсатди. Хусусан, Конституция олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилиши, инсон билан давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонунчиликда юзага келадиган, барта-раф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилиқлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилиши, таълим, шу жумладан, мактабгача таълим ва тарбия, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, педагогларнинг жамиятдаги мақомига доир, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими, оила институти ва бунда оналик ҳамда болалик билан бир қаторда оталик ҳам давлат томонидан муҳофаза этилиши, аҳолининг заиф қатламлари ҳимоясини янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари, маҳалла институти давлат ҳокимияти органларидан алоҳида белгилаш каби масалаларнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш ҳақида кўплаб таклифлар келиб тушди. Муҳими, улар инсон қадр ва умумхалқ манфаатлари учун қаратилгани билан алоҳида аҳамиятлидир.

Бу жараёнда ишчи, деҳқон, тадбиркордан тортиб, ўқитувчи, депутат, сенатор, олим, талаба, кўйинги, барча аҳоли қатлами вакиллари фаол иштирок этганлиги таҳсинга сазовор.

Конституциявий қонун лойиҳаси тайёрлангунга қадар бўлган бир ойлик даврда Бош қомусимизга ўзгартиш ва қўшимча киритиш бўйича **62 минг 336** та таклиф тушгани, бундан ташқари, уларга **3,8** юздан ортиқ қўшимча ва **15,8 мингдан** зиёд изоҳ билдирилгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди.

Бу, албатта, фуқароларимиз конституциявий ватанпарварлигининг ёрқин ифодаси. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **«...бугунги халқимиз – кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас»**.

Сирасини айтганда, **халқимиз янгиланаётган Конституциямизнинг бирдан-бир манбаи ва ягона муаллифидир**.

Шу тариқа, **халқимизнинг таклифлари асосида** Конституциявий комиссия томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Конституциявий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Учинчи – Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчаларнинг умумхалқ муҳокамаси босқичи.

Конституциявий қонун лойиҳаси халқ вакиллари – парламентимиз депутатларининг бир гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида Қонунчилик палатасига киритилди. Дастлабки тарзда қабул қилинган конституциявий қонун

лойиҳаси «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталари ва meningkonstitutsiyam.uz платформаси орқали 25 июнда умумхалқ муҳокамасига тақдим этилиб, 5 июлга қадар муддат белгиланди.

Конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилингандан кейин фуқароларимизнинг фаоллиги ва таклифлар кўлами ҳам кескин ошиб кетди. Таклифларни ҳар томонлама ўрганиш, ҳар бирини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва жамлаш жараёни ҳақли равишда қўшимча муддат талаб этгани, таклифлар эса кун сайин ортиб бораётгани муносабати билан жорий йил 4 июль куни Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бу муддат 15 июлга қадар узайтирилди.

Кези келганда айтиш керак, 25 июндан 15 июлга қадар бўлган 20 кун давомида жами **84 минг 552** та таклиф келиб тушди.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар томонидан ҳудудларга чиқилган ҳолда давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда фуқаролар билан қатор учрашувлар ташкил этилиб, конституциявий ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини жамоатчиликка тушунтириш ишлари кенг миқёсда олиб борилди.

Кўриб турганимиздек, умумхалқ муҳокамаси даврида конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилингунга қадар бўлган даврдигидан **35** фоиз кўп таклиф келиб тушди. Ўз навбатида, аҳоли ва фуқаролик жамияти институтларининг конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришдаги фаоллиги давом этиб, кун сайин ортиб бораётгани ва келиб тушаётган таклифлар сони ҳам тобора ошиб бораётгани умумхалқ муҳокамаси муддатини яна узайтириш заруратини юзага келтирди. Шу асосда 2022 йил 15 июлда Қонунчилик палатаси томонидан конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси муддати 2022 йил 1 августгача узайтирилди.

Таъкидлаш лозимки, конституциявий ислоҳотлар жараёнида Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти жамоаси ҳам иштирок этмоқда. Конституциявий комиссия қарорига мувофиқ, Институт илмий ходимларидан **9** нафари Таклифлар билан ишлаш гуруҳи ва **4** нафари Йиғма ахборот-таҳлил гуруҳи таркибида қатнашиб келмоқда.

Бундан ташқари, Институтимиз ходимлари конституциявий ватанпарварлик, фаол фуқаролик позицияси ва илмий-экспертлик муассасасининг вакили масъулияти ўлароқ, meningkonstitutsiyam.uz платформаси, махсус телеграмм бот, колл-марказ, анъанавий ва электрон почта орқали амалдаги Конституциямизга иккинчи босқичда

207 та, учинчи босқич – умумхалқ муҳокамаси даврида эса конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан **81** та таклифни илгари сурдилар.

Жорий йилнинг 25 май – 1 август кунлари давомида конституциявий ислоҳотлар, Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар моҳиятини тушунтириш бўйича қатор давлат органлари, илмий муассасалар ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда давра суҳбати, семинар, конференция ва учрашув шаклида жами **97** та тадбир ташкил этилди. Анжуманларнинг **68** тасида Институт ходимлари томонидан бевосита маърузалар қилинди. Оммавий ахборот воситаларида **248** (босма ва электрон нашрларда **30**, радиода **24**, телевидениеда **68**, веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқларда **126**) та чиқишлар қилинди ва ўтказилган тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ёритилди.

Институт сайтида «**Конституциявий ислоҳотлар**» ([Ipri.uz/constitutional-reforms/](http://pri.uz/constitutional-reforms/)) махсус рунки йўлга қўйилди ва ушбу рункга ҳамда Институтнинг телеграмм ва фейсбукдаги саҳифаларига конституциявий ислоҳотларга доир жами **300** дан зиёд материал жойлаштирилган бўлиб, ушбу маълумотлар билан танишганлар умумий сони **100** минг нафарга яқин кишини ташкил этмоқда.

Умумхалқ муҳокамаси даврида ватандошларимиздан конституциявий қонун лойиҳасига жами 150 мингдан ортиқ таклиф келиб тушганлиги халқимизнинг конституциявий ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси юқори даражага чиққанини кўрсатиб турибди. Ўз навбатида, конституциявий ислоҳотлар моҳияти ва жараёни ҳам «**Халқимиз хоҳиш-иродаси – ҳамма нарсадан устун**» деган эзгу тамойил билан йўғрилганлигини ич-ичимиздан ҳис қилмоқдамиз.

Жараёнларни кузатар эканман, бир нарсага қувондим: бошланаётган янги даврдаги ўзгаришларга ватандошларимиз бефарқ бўлмасдан, ташаббускор бўлиб, кўплаб таклифлар бермоқда ва ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Улардан келиб тушган ҳар бир таклифни эътиборсиз қолдирмасдан, Асосий қонунимизни такомиллаштиришда, албатта, инobatта олишимиз зарур.

Тўртинчи – Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчаларни референдум йўли билан қабул қилиш босқичи.

Конституциявий қонун лойиҳаси референдум орқали қабул қилинади.

Шу ўринда «**Парламентимизнинг ўзида Конституцияга ўзгартиш киритиш ваколати йўқми?**» деган савол туғилиши табиий.

Амалдаги қонунчиликка кўра, миллий парла-

ментимизнинг ўзи ҳам Асосий қонунимизга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ваколатига эга.

Хорижий тажрибада бундай амалиётни Франция, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Қозоғистон каби қатор давлатларда кузатиш мумкин.

Миллий амалиётда ҳам бундай тажриба мавжуд, яъни Асосий қонунимизга ҳозирги кунга қадар 16 мартаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шундан биттаси – 2003 йил 24 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳисобланади.

Мазкур Қонун билан киритилган ўзгаришлар 2 та масала бўйича – Конституцияимизнинг бешинчи бўлими XVIII – XX, XXIII бобларига тааллуқли ҳамда келгуси чақириқда Ўзбекистон Республикасининг икки палатали парламентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиш тўғрисидаги масалалар юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган референдум натижалари асосида амалга оширилган. Қолган 15 та ҳолатда парламент томонидан ўз ваколати доирасида Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли қонунлар қабул қилинган.

Энг муҳими, Конституциявий қонун лойиҳаси фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши билан референдум асосида қабул қилиниши – бу халқимиз хоҳиш-иродасининг яна бир амалий ифодаси бўлади.

Президентимиз таъкидлаганидек, «**Конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида, референдум орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Конституцияси бўлади**».

Ишончим комилки, референдумда ҳам юртдошларимиз фаол фуқаролик позициясини намойиш этишларига шубҳа йўқ. Мамлакатимиз етакчиси таъкидлаганидек, **бош мақсадимиз – Асосий қонунимизни ҳар бир юртдошимиз «Менинг Конституциям» деб фахрланадиган даражага олиб чиқишдан иборатдир.**

Хулоса ўрнида эътироф этмоқчиманки, амалга оширилаётган айна конституциявий ислоҳотлар жараёни юксалиб бораётган конституциявий ватанпарварликнинг ватандошларимиз руҳиятидаги, **биринчидан**, амалдаги Бош қомусимизга садоқат, ишонч ва ҳурмат туйғуси йўғрилган ифодаси бўлса, **иккинчидан**, жамиятимиз тараққиёти бардавомлигини келажакда ҳам юқори суръатда таъминлаш йўлидаги дахлдорлик ҳисси жўш уриб турган ҳаётини намунасиридир.

Эркин САЛИХОВ,

председатель Комитета по вопросам обороны
и безопасности Законодательной палаты
Олий Мажлиса Республики Узбекистан

О НЕКОТОРЫХ ПОДХОДАХ К ОРГАНИЗАЦИИ ПАРЛАМЕНТСКОГО КОНТРОЛЯ В СФЕРЕ ОБОРОНЫ И БЕЗОПАСНОСТИ

Аннотация. В статье рассматриваются проблемы гражданского контроля над Вооруженными Силами и правоохранительными органами Республики Узбекистан. Даны предложения и рекомендации по повышению эффективности парламентского контроля в сфере обороны и безопасности.

Ключевые слова: гражданский контроль, парламентский контроль, Вооруженные Силы, правоохранительные органы, оборона, безопасность.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари устидан фуқаролик назорати муаммолари ёритилган. Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: фуқаролик назорати, парламент назорати, Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мудофаа, хавфсизлик.

Annotation. The article considers the problems of civilian control over the Armed Forces and law enforcement agencies of the Republic of Uzbekistan. The proposals and recommendations to improve the effectiveness of parliamentary control in the sphere of defense and security are also given in the article.

Keywords: civil control, parliamentary control, Armed Forces, law enforcement bodies, defense, security.

Повышение эффективности законодательного регулирования такой важнейшей сферы, как национальная безопасность Президентом Республики Узбекистан Ш.Мирзиёевым определено в качестве одной из стратегических задач в деле обеспечения безопасности страны, повышения боеготовности и укрепления потенциала Вооруженных Сил [1]. Наряду с этим, главой государства отмечена необходимость усиления гражданского контроля над деятельностью Вооруженных Сил [2] и правоохранительных органов, а также роль палат Олий Мажлиса в решении этих задач.

Необходимость усиления гражданского контроля над Вооруженными Силами и правоохранительными органами, прежде всего, обусловлена тем, что данные государственные органы, будучи ответственными за решение задач по обеспечению обороноспособности государства и безопасности общества, наделены специальными правами, в том числе правом на применение силы для решения указанных задач.

Нормы о демократическом контроле над военными и военизированными силами, силами внутренней безопасности также закреплены в некоторых международно-правовых актах. Так, в декабре 1994 года на Будапештской встрече участниками Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе был принят «Кодекс поведения, касающийся военно-политических аспектов безопасности». В данном документе, в частности, определено,

что «каждое государство-участник будет постоянно обеспечивать и поддерживать эффективное руководство и контроль над своими военными и военизированными силами и силами безопасности со стороны конституционно учрежденных органов власти, обладающих демократической легитимностью» [3].

Основными задачами, на решение которых направлен гражданский контроль над Вооруженными Силами и правоохранительными органами, являются обеспечение законности в деятельности Вооруженных Сил и правоохранительных органов, содействие эффективному выполнению возложенных на них функций, предупреждение использования их возможностей для ограничения прав и свобод граждан.

Применительно к Республике Узбекистан к числу государственных органов, непосредственно ответственных за решение задач по обеспечению обороноспособности государства и безопасности общества, следует отнести Министерство обороны, Министерство внутренних дел, Министерство по чрезвычайным ситуациям, Национальную гвардию, Службу государственной безопасности, Пограничные войска Службы государственной безопасности, Государственную службу безопасности Президента Республики Узбекистан, Государственный таможенный комитет. С учетом решаемых задач к указанным органам следует также отнести Государственный комитет по оборонной промышленности.

При этом, в законодательстве определено, что Служба государственной безопасности Республики Узбекистан, Государственная служба безопасности Президента Республики Узбекистан, Национальная гвардия Республики Узбекистан подчинены и подотчетны непосредственно главе государства.

Следует отметить, что система гражданского контроля над Вооруженными Силами и правоохранительными органами включает в себя контроль, осуществляемый такими субъектами, как Президент Республики Узбекистан, парламент, органы прокуратуры, органы государственного управления, представительные органы власти на местах, общественные и другие организации. Вместе с тем, следует учитывать, что проведение гражданского контроля в ряде случаев сопряжено с требованиями к информации, доступ к которой ограничен законом.

На ниже представленной схеме на основе анализа законодательства и сложившейся практики систематизированы виды и субъекты гражданского контроля над деятельностью Вооруженных Сил и правоохранительных органов.

Система и субъекты гражданского контроля над деятельностью Вооруженных Сил и правоохранительных органов

Контроль, осуществляемый Президентом Республики Узбекистан	Контроль, осуществляемый органами исполнительной власти	Контроль, осуществляемый органами прокуратуры	Контроль, осуществляемый представительными органами власти	Общественный контроль
Президент Республики Узбекистан	Аппарат Кабинета Министров	Генеральная прокуратура	Законодательная палата и Сенат Олий Мажлиса	Общественные советы при государственных органах
Совет безопасности при Президенте Республики Узбекистан	Министерство финансов, Министерство юстиции	Военная прокуратура	Уполномоченный Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсман)	Институты гражданского общества (ННО, СМИ и др.)
			Местные кенгаши народных депутатов	Граждане

Наряду с этим, необходимо также отметить наличие механизмов внутреннего контроля, осуществляемого специальными структурными подразделениями самих силовых ведомств (подразделения собственной безопасности, службы внутреннего аудита и другие).

В контексте рассматриваемых вопросов следует также упомянуть о мониторинге отдельных аспектов деятельности Вооруженных Сил и правоохранительных органов, проводимом со стороны специальных докладчиков, имеющих мандат от Совета

по правам человека ООН (по защите прав человека в условиях борьбы с терроризмом; по вопросам о пытках; праве на свободу мирных собраний и другие). Кроме того, особого внимания заслуживает деятельность некоторых международных неправительственных организаций, специализирующихся на отслеживании ситуации по тем или иным проблемам и публикации тематических докладов (права заключенных, коррупция и т.д.).

В настоящее время в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан и законами, регулирующими деятельность парламента, Законодательная палата Олий Мажлиса наделена рядом важных полномочий по разработке политики в сфере обороны и безопасности, осуществлению контроля за её реализацией. В частности, это следующие полномочия:

первое, разработка и принятие основополагающих документов в сфере обороны и безопасности. Например, парламентом рассмотрены и приняты такие документы, как Концепция национальной безопасности Республики Узбекистан, Концепция внешнеполитической деятельности Республики

Узбекистан, Оборонная доктрина Республики Узбекистан;

второе, принятие законов о ратификации, денонсации, прекращении или приостановлении действия международных договоров, касающихся вопросов безопасности. В частности, парламентом ратифицирован ряд международных договоров о развитии военно-технического сотрудничества, повышении эффективности сотрудничества против терроризма и другие;

третье, принятие законов в сфере обороны и

безопасности, внесение в них изменений и дополнений. Так, данными законами регулируются вопросы, связанные с организацией обороны и управлением Вооруженными Силами, охраной и защитой Государственной границы, прохождением гражданами военной службы, деятельностью правоохранительных органов;

четвертое, принятие закона о Государственном бюджете, проект которого ежегодно рассматривается Законодательной палатой Олий Мажлиса, как правило, до 15 ноября текущего года. Следует отметить, что в соответствии с Бюджетным кодексом средства, выделяемые на оборону, обеспечение общественного порядка и безопасности финансируются из республиканского бюджета;

пятое, осуществление контрольных полномочий посредством использования различных форм парламентского контроля. В частности, это рассмотрение на заседаниях комитетов, фракций и Законодательной палаты хода исполнения Государственного бюджета, заслушивание на заседаниях Законодательной палаты информации членов правительства, руководителей государственных органов, направление парламентского запроса должностным лицам государственных органов, изучение комитетами состояния исполнения законодательных актов и другие;

шестое, рассмотрение и одобрение кандидатур в члены Кабинета Министров, в том числе кандидатур на должности министров обороны, внутренних дел, по чрезвычайным ситуациям, председателей государственного таможенного комитета, государственного комитета по оборонной промышленности;

седьмое, утверждение указов Президента Республики Узбекистан об образовании и упразднении органов государственного управления;

восьмое, утверждение указов Президента Республики Узбекистан об объявлении состояния войны, о введении чрезвычайного положения.

Как показывает практика, реализация полномочий по осуществлению контроля над деятельностью органов исполнительной власти, исполнением законов, наряду с разработкой и принятием законов, является одним из основных направлений деятельности Законодательной палаты Олий Мажлиса.

Необходимо подчеркнуть, что эффективность парламентского контроля в значительной степени зависит от организации деятельности комитетов Законодательной палаты – основных структурных подразделений нижней палаты, призванных содействовать в реализации её полномочий. Касательно парламентского контроля в сфере обороны и безопасности это, прежде всего, относится к деятельно-

сти Комитета по вопросам обороны и безопасности Законодательной палаты (далее – Комитет).

Критический анализ деятельности Комитета за период с 2020 года по настоящее время, позволяет выделить ряд системных проблем, связанных с реализацией предусмотренных законом контрольных полномочий. В частности:

научный и экспертный потенциал парламента не сопоставим с ресурсами правительства и силовых ведомств. Так, в аппарате Законодательной палаты имеется ограниченный штат сотрудников, специализирующихся на вопросах обороны и безопасности, в то время как правительство имеет возможность задействовать значительный персонал министерств и ведомств, ответственных за вопросы в сфере обороны и безопасности;

в ряде случаев, Комитет в своей деятельности вынужден опираться на информацию, полученную непосредственно от самих субъектов сферы обороны и безопасности, то есть от организаций, над деятельностью которых призван осуществлять парламентский контроль. Вследствие этого не исключен риск принятия решений на основе односторонней информации;

депутаты Законодательной палаты в рамках ограниченного законом срока своих полномочий не имеют возможности в достаточной мере приобрести знания и опыт, необходимые для эффективной аналитической работы по вопросам обороны и безопасности. В то время как большинство должностных лиц профильных министерств и ведомств имеют длительный стаж работы и значительный практический опыт в данной сфере;

слабая преемственность между деятельностью прежнего и нынешнего состава Комитета. В частности, не налажен механизм систематизации и передачи вновь формируемому составу Комитета накопленной информации и опыта, методик организации законотворческого процесса и осуществления парламентского контроля на практике.

В свою очередь, вышеизложенные проблемы в деятельности Комитета обуславливают необходимость дальнейшего совершенствования методики осуществления парламентского контроля, механизмов информационно-аналитического обеспечения деятельности членов Комитета, повышения их потенциала.

В целях повышения эффективности контрольно-аналитических мероприятий, реализуемых в рамках парламентского контроля над деятельностью Вооруженных Сил и правоохранительных органов, предлагается следующее:

во-первых, исходя из формата контрольно-аналитического мероприятия, представляется

целесообразным сосредоточиться на изучении одного из следующих вопросов:

соответствие деятельности законам;
эффективность реализации возложенных задач и функций;

целевое расходование и рациональное использование средств Государственного бюджета и внебюджетных фондов;

практика, связанная с реализацией полномочий по рассмотрению дел об административных правонарушениях и применению административных взысканий;

система подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров, соблюдение прав военнослужащих и сотрудников;

во-вторых, подготовка и проведение контрольно-аналитических мероприятий, исходя из изучаемой тематики, как правило, должны включать следующие этапы:

изучение соответствующей нормативно-правовой базы;

сбор и анализ статистических данных министерств и ведомств;

изучение результатов социологических исследований. В необходимых случаях, формирование от имени парламента заказа на проведение социологических исследований по изучаемой тематике;

изучение результатов проверок контролирующих органов (Генеральной прокуратуры, Военной прокуратуры и других);

изучение результатов проверок органов финансового контроля (Счетной палаты, Инспекции государственного финансового контроля при Министерстве финансов, подразделений внутреннего аудита). В необходимых случаях, подготовка запроса Законодательной палаты на проведение контрольных мероприятий со стороны Счетной палаты;

изучение опыта зарубежных стран по тематике контрольного мероприятия;

сбор, обобщение и анализ предложений и рекомендаций граждан.

В необходимых случаях объявление в СМИ о рассмотрении предложений и рекомендаций граждан по тематике планируемого контрольного мероприятия;

выезд в отдельные регионы республики для изучения положения дел в соответствии с заранее составленным вопросником;

организация сбора и анализа предложений и рекомендаций постоянных комиссий местных кенгашей народных депутатов;

проведение обсуждения предварительных результатов изучения с участием экспертов и специалистов, выработка предложений и рекомендаций;

проведение заседания Комитета по обсуждению результатов изучения, принятие соответствующего решения Комитета;

информирование через СМИ широкой общественности о результатах контрольно-аналитического мероприятия;

контроль над исполнением решения Комитета;

в-третьих, реализация комплекса мер по совершенствованию информационно-аналитического обеспечения деятельности Комитета, в том числе, путем:

укрепления аппарата Законодательной палаты за счет привлечения квалифицированных сотрудников, имеющих опыт непосредственного участия в реализации реформ в Вооруженных Силах, правоохранительных органах;

более широкого использования потенциала Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе, внесения предложений для включения в план исследовательских работ Института по тематикам, связанным с законотворческой и контрольно-аналитической деятельностью Комитета;

проведения по заказам Законодательной палаты регулярных социологических исследований по тематикам, связанным с деятельностью Вооруженных Сил, правоохранительных органов, в том числе, с использованием возможностей Республиканского центра изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр»;

в-четвертых, организация для членов Комитета семинаров-тренингов по вопросам повышения качества законотворческой деятельности и эффективности парламентского контроля, в том числе, с приглашением зарубежных экспертов.

В целом следует отметить, что результативность проводимых в республике реформ, безусловное и полноценное исполнение на практике принятых законов и государственных программ в значительной степени зависят от эффективности осуществления парламентского контроля.

Сноски / Иқтибослар / References

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. – Б. 324 .
2. Мирзиёев Ш.М. Праздничное поздравление в связи с 28-летием образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и днем защитников Родины // «Народное слово». – 2020. – №11.
3. <https://www.osce.org/files/f/documents/d/f/41359.pdf>.

Отабек ХАСАНОВ,*Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
директорининг биринчи ўринбосари,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори*

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ: ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

Глобаллашув шароитида ахборот макони турфа хабар ва маълумотларга тўла. Сиёсий мулоқотда «кун тартиби» (agenda setting) деб аталадиган ҳодиса бундай ахборот уммонида «чўкиб кетмаслик»ка хизмат қилади. 1972 йилда М.Маккомбс ва Д.Шоу томонидан илгари сурилган бу ёндашув ахборотларни саралаш ва уларга аудитория эътиборини қаратишни назарда тутди. Одатда, «кун тартиби»дан бир нечта мавзу ўрин олади ва бунинг қатор шартлари ҳам мавжуд. Биринчи галда мазмунга эътибор қаратилади, аниқроғи долзарб, юқори ижтимоий аҳамиятга эга, кўламдор мазмун ва ечим талаб этадиган муаммолар устуворлик касб этган бўлиши керак.

Бугун **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** «кун тартиби»дан ҳақли ўрин эгаллади. Аввало, давлатнинг стратегик мақсадларини белгилаб олиш энг муҳим вазифа саналади. Чунки мамлакат тақдири кўп жиҳатдан келгуси марралар қанчалик тўғри танланганига боғлиқ. Пухта ишлаб чиқилган стратегия давлат тараққиётига туртки бўлади. «Келажакка сакраш» қилган Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур каби давлатларнинг стратегиялари бунга мисол бўла олади.

Ҳаракатдан – Тараққиётга

Айни пайтда барча давлатлар учун юз фоиз қўл келадиган универсал стратегияларни яратиш маҳол. Чунки ҳар бир мамлакат ўз эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда стратегиясини ишлаб чиқади. Эътибор қаратиш зарур: Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда халқ хоҳиш-иродаси, манфаат-эҳтиёжларига таянилди. Президентимиз Ш.Мирзиёев бу тажрибага шундай баҳо беради: «...**Биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик. Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.**»

Кўриниб турибдики, аввалги босқичда ривожланишимизга тўғаноқ бўлаётган муаммоларни

ҳал қилишга, тараққиётга туртки бўладиган драйверларни топишга **ҳаракат** қилган бўлсак, янги босқичда биз сифат ўзгаришни, трансформацияни амалга ошириб, **тараққиётга** юзланамиз.

Сайлов даврида ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтган бу ҳужжат лойиҳаси 1–15 январь кунлари яна бир бор жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Жараёнда қатнашган фаол фуқаролар сиймосидаги халқ вакиллари уни таҳрир қилди, халқ эҳтиёжларига мослаштирди, тўлдирди ва мазмунан бойитди. Халқимиз Тараққиёт стратегиясининг муаллифи, десак тўғри бўлади. Халқ билан мулоқотнинг бундай шакли Янги Ўзбекистонда демократия том маънода янги босқичга кўтарилганининг яққол далилидир. Муҳими, давлат сиёсатидаги бундай ёндашув яхши анъанага айланмоқда, бу билан кучли фуқаролик жамияти шаклланишига замин яратилмоқда.

Тараққиёт стратегиясининг ҳаётимизга таъсири улкан. Негаки, унда давлатимиз учун энг мақбул тараққиёт йўналишлари белгиланган. Ундаги мақсадлар қанчадан-қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари, дастурлар, режалар, концепциялар, йўл хариталари, бизнес ғоялар, инновацион лойиҳалар учун пойдевор вазифасини ўтайди. Масалан, мактаб ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш, аёлларнинг болани парваришлаш таътилида бўлган вақтини иш стажига қўшиш, маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш институтини жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 карра ошириш каби масалалар ҳужжатдаги давомли вазифаларнинг айримларигина холос.

Инсонга муносабатнинг ўзгариши

Тараққиёт стратегиясида **7** устувор йўналиш ва **100** мақсад жамланган. Залвори, қамрови ва салмоғига кўра улардан қай бири бирламчи ёки муҳим эканини белгилаш амри маҳол. Чунки юрт равнақи билан боғлиқ энг долзарб, шунингдек, энг оғриқли муаммолар ечимига доир масалалар ўрин олган. Муҳими, «**Инсон қадри учун**» тамойили ислохотларнинг ўзак ғояси, ўзгаришларнинг йўлчи юлдузи сифатида эътироф этилган.

«Инсон қадри» шунчаки чиройли сўз эмас, муболага ҳам, бўрттириш ҳам йўқ бу тушунчада. Аслида «қадр» ҳақида гап кетганда, аввало, нарсанинг баҳоси, аҳамияти, муҳимлиги, қиймати, фойдалилиги тушунилади. Лекин бундай ўлчаш, баҳосини белгилаш мумкин бўлмаган тушунчалар ҳам бор. Шу жиҳатдан, инсон қадри бебаҳо ва муқаддас эмасми? Мисол учун, тарозида вазни тортиб кўриш, муайян ўлчов бирликлари, жумладан метр билан газмол, иморатнинг баландлиги, бир объектдан бошқасигача бўлган масофани ўлчаш мумкин, ammo инсон қадрини эмас. Шундай экан, инсон қадри нимага қараб белгиланади?

Бу саволларга мамлакатимиз етакчисининг қуйидаги фикрлари орқали аниқ жавоб топиш мумкин: **«Албатта, инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфра-тузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз».**

Инсон, жамиятда қандай ўрин эгаллаганидан қатъи назар, кадрланишни ва ҳурмат қилишларини истайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Инсон қадрини ёрқин кўрсатадиган жиҳат эса унга бўлган муносабатдир. Инсон қадри унинг ҳуқуқлари юқори баҳоланишида, ундан вақтни, маблағни, меҳнатни аямасликда намоён бўлади. Асосийси, **инсонга ўзгаришларни амалга оширувчи восита деб эмас, ўзгаришлар мақсади сифатида муносабатда бўлиш талаб этилади.** Бошқача айтганда, **«Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун».** Шу нуқтаи назардан янги босқичдаги барча хатти-ҳаракатларимиз «Инсон қадри учун» гоёси мантиғига бўйсундирилди. Юртимиздаги барча ислохотларнинг марказига инсон қўйилди, унга барча ўзгаришларнинг мезони сифатида қаралмоқда, янгиланишлар ҳам фақат инсон учун, унга муносиб ҳаёт шароитларини ва имкониятларини яратиш мақсадида амалга оширилади.

Давлат хизмати трансформацияси

Инсон қадри устун бўлган жамият ва халқпарвар давлат қуриш Тараққиёт стратегиясининг дастлабки устувор йўналиши сифатида белгилаб берилганининг сабаби нимада? Чунки қолган олти йўналишдаги фаолиятимиз самарадорлиги, энг аввало, халқпарвар сиёсатга, халқчил бошқарув-

га бевосита боғлиқ. Бошқача айтганда, *халқчил Тараққиёт стратегиясини халқпарвар раҳбарларсиз амалга ошириб бўлмайди.* Бу эса давлат хизматини янги поғонага кўтаришни тақозо этади.

Аслида «давлат хизматчиси» тушунчаси давлатга хизмат қилувчи маъносини беради. Президентимиз давлат билан унинг хизматчилари ўртасидаги муносабатда ҳам туб ўзгариш қилдилар: **«Раҳбарлар фақат давлатга эмас, аввало, инсон ва оилага, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак».**

Шу ўринда «ким кимга хизмат қилмоғи лозим: давлат инсонгами ёки инсон давлатгами?» деган фалсафий саволнинг жавоби ойдинлашади. Халққа хизмат қилиш давлат хизматига баҳо беришнинг мезони, унинг даражасини аниқлашнинг ўлчов бирлигидир. Халқ юкини ўз зиммасига олиш, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшаш ва инсонларни ҳаётдан рози қилиш – раҳбарлар учун энг муҳим ва кундалик вазифа ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда «халқ хизматкори» тушунчаси «давлат хизматчиси» атамасининг синонимига айланмоқда. Халққа хизмат – беғаразликни, фидойиликни, бошқалар учун яшашни, ўз ҳаётини бошқаларга бағишлашни тақозо этади. Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарида бунга шундай таъриф берилади: *«Жавонмардлик (муаллиф: альтруизм) кишидаги ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга бахт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат ҳомийлик, хайрия ёки кўмакка асосланади. Ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини устун қўйиб яшаш жўмард инсоннинг ҳаёт тарзига айланади».*

Демак, давлат хизматчилари халққа ҳурмат билан муносабатда бўлиши, одамларга ғамхўрлик кўрсатиши, инсон манфаатларини ҳимоялаши, эҳтиёжмандларга беғараз ёрдам қўлини чўзиши, халқ овозини эшитиши, фуқаролар дардига малҳам бўлиши талаб этилади. Бундай ёндашувда ҳар учала тараф – **одамлар, давлат ва давлат хизматчиси ҳам тенг манфаат кўради.**

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг раҳбарларга яна бир талаби танқидий таҳлил билан боғлиқ. Бунда сохта ва баландпарвоз гаплар, таги пуч рақамлар, қуруқ ёлғонлар билан алданмаслик, хато ва камчиликларимизни танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиб, тегишли сабоқлар чиқариш, эскирган бюрократик усуллардан воз кечиш, муаммоларни тезкорлик билан адолатли ҳал қилиш, халқ олдида ҳисобдор бўлиш зарурлиги уқтирилади. Бундай ёндашув раҳбар кадрларга нисбатан халқ ишончи ортишига, бошқарув фаолиятининг самарадорлик даражасига,

амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши муқаррар.

«Инсон – жамият – давлат» тамойили

Бугун инсон энг юқори поғонага кўтарилди, давлат сиёсатининг марказидан жой олди, унинг ҳуқуқлари олий кадриятга айланди.

Инсонга яқинлашиш мақсадида бошқарув ҳам марказдан ҳудудларга кўчди. Инсон билан давлат ўртасидаги кўринмас «девор»ни йўқотиш мақсадида ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Аниқ натижалар бўлиши учун маҳалла жамғармаси шакллантирилди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий ривожлантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилмоқда.

«Инсон – жамият – давлат» муносабатларида вертикалдан горизонтал муносабатларга ўтилмоқда. Инсон, унинг ҳаёти, фаровонлиги мамлакатнинг энг катта бойлиги сифатида эътироф этилмоқда. Демакки, давлат инсонга юзланмоқда, жиддий лойиҳаларни амалга оширишда унга кучли шерик сифатида мурожаат қилмоқда, муаммоларнинг ечимини топишда унинг ижодкорлик ва экспертлик салоҳиятига таянмоқда.

Янги авлод кадрлари

Тараққиёт стратегиясини амалга оширишда кадрлар сиёсати муҳим ўрин тутди. Зеро, кадрлар сиёсатида ўзгариш қилмай туриб, бошқа соҳалардаги ислохотларда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Негаки, тараққиётнинг бугунги босқичида инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳар қандай стратегик ҳужжатнинг рўёби ҳам, аввало, давлат фуқаролик хизматчиларининг ишга муносабати, меҳнати сифатига боғлиқ.

Ҳўш, кадрлар сиёсатида қандай ўзгаришлар қилиш талаб этилади?

Аввало, **давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш зарур**. Бу вазифа давлат хизмати бўйича махсус ваколатли орган – Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги зиммасига юкланади.

Бундан ташқари, **давлат хизматининг ёпиқлик хусусиятини йўқотиш, бюрократик аппаратга барҳам бериш мақсадида Тараққиёт стратегиясида кадрларни танлов асосида ишга олиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди**. Бу эса энг муносиб, лаёқатли шахсларни давлат хизматига қабул қилишда ва уларнинг хизмат пиллапойларида кўтарилишида **меритократия** тамойилини

кучайтиришни шарт қилиб қўяди. Натижада биз профессионал ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантирагимиз, салоҳиятли ва садоқатли кадрлар учун кенг йўл очилишига эришамиз.

Эътироф этиш ўринлики, Маъмурий ислохотлар концепциясини ва жорий йил 9 август куни расмий эълон қилинган **Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонунини** амалга ошириш механизмлари айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Давлат хизмати тизимини ислох қилишга Тараққиёт стратегиясининг муҳим қисми сифатида қаралиши бежиз эмас. Давлат хизматчилари эскича фикрлашдан холи, ўз соҳасининг устаси бўлиши, фаолиятининг натижадорлиги билан ажралиб туриши, ўз халқига сидқидилдан, садоқат билан хизмат қилиши лозим. Айнан улар янги авлод бошқарув кадрларининг ўзагини ташкил этади.

Давлат хизмати сифати билан аҳолининг турмуш даражаси ўртасида бевосита узвийлик мавжуд. Шу боис давлат хизмати самарадорлигини ошириш борасидаги ислохотларни амалга оширган мамлакатларда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъминланмоқда. Шундай экан, қатор саволлар вужудга келади: давлат хизмати самарадорлигини кескин ошириш учун нима қилиш зарур? Мансабдор шахслар ишининг сифатини қандай аниқлаш мумкин? Бу саволларга жавоб топиш мураккаб, лекин очиқ қолдириб ҳам бўлмайди. Шу боис давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини ва фойдали иш коэффициенти ни ўлчаш масаласи долзарб аҳамият касб этади.

XX асрнинг 50-йилларида Питер Друкер «Мақсадлар бўйича бошқарув» ғоясини илгари сурди. У самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари орқали бошқарувдаги маҳсулдорликни баҳолашни таклиф этди. Шу тариқа давлат идоралари ходимларини бошқаришда **самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators – KPI)**га таяниш кенг урфга кирди. Ҳозирги кунда KPI бошқарувнинг илғор воситаларидан бирига айланган ва дунёда фаол қўлланилмоқда.

Нозик мавзу ёхуд самарадорлик қандай ўлчанади?

Тараққиёт стратегиясида давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини KPI асосида баҳолаш бўйича «Миллий рейтинг» тизимини жорий этиш назарда тутилган. Шу боисдан вазирлик ва идоралар, алоҳида мансабдор шахслар учун самарадорлик кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш муҳим вазифага айланди. Очиқ айтиш керак, давлат идораларида бекорчи, қўпол қилиб айтганда «пашша қўриб» ўтирган раҳбарлар йўқ.

Лекин кунлик реал иш вақти 8 соатдан анча ортиқ бўлган раҳбар кадрларнинг фаолияти самарадорлиги, афсуски, 100 фоизга етмайди. Бу ҳол муаммони ҳал қилишнинг амалий ечимларини илгари суришни талаб этади.

Эътибор берсак, тадбиркорнинг ютуқлари аниқ кўрсаткичлар билан ўлчанади. Булар – маҳсулот сони, сифати, корхона даромади, имзоланган битим ва келишувлар. Мансабдор шахсларнинг ютуқлари учун ўлчов бирликларини топиш эса бироз мушкулроқ. Айтайлик, раҳбар томонидан имзоланган ҳужжатлар, тайёрланган ҳисоботлар, жўнатилган хатлар, бажарилган топшириқлар миқдорига қараб самарадорликни ўлчаш мумкин-дир. Лекин сон-саноғи йўқ ҳужжатлар жамланган жилдлар доимо исталган натижага олиб келавермайди. Масалан, ўз вақтида ёзилган хат болалар боғчаси, мактаб ёки шифохонанинг ўз вақтида ишга туширилишини кафолатламайди.

Халқаро тажрибага назар ташласак бу масалага катта эътибор қаратилганининг гувоҳи бўламиз. КРІ алоҳида субъектлар (ташкilotлар, бўлинмалар, ходимлар) фаолияти самарадорлигини аниқ кўрсаткичлар орқали ўлчаш тизими бўлиб, ташкilotнинг стратегик мақсадлари билан бевосита боғлиқ. КРІ тизимини жорий этишда кўрсаткичларни белгилаш жиддий эътиборга молик. Чунки КРІ миқдорий ўлчовни талаб этади. Муҳими, бу кўрсаткичлар олдиндан аниқланиши, тизим ва лавозим хусусиятларига мос танланиши, объектив маълумотларга асосланиши, ташкilotнинг мақсадларига мос бўлиши лозим.

Масалан, соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштирилиши касаллар сонига боғлиқ. Демак, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиганлар касаллар сони ортишидан манфаатдор бўлади. Аммо тизимнинг пировард мақсади одамларнинг камроқ хасталанишига эришишдир. Бунинг учун ташхис қўйиш, профилактик ишларни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш керак. Шу боис бу тизим бўйича КРІ ишлаб чиқишда ўз фаолиятига йўналтириладиган маблағларни кўпайтириш эмас, балки жамият учун фойдали натижаларга эришиш муҳим саналади. Демак, раҳбар ўз ишини икки томонлама ташкил этиши, бир томондан, муҳим ва давлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал қилиши, иккинчи томондан, асосий истеъмолчилари – мижозларининг манфаатлари ҳам завоқ топмаслиги керак.

Кўриниб турибдики, КРІ давлат идораларида ишлайдиганларга мутлақо бошқача талаблар қўяди, давлат хизматчисининг янги қиёфасини шакллантиради. Шу тариқа давлат хизматчиси истиқболни ўйлаб иш тутадиган, мураккаб вазифаларни

тез ва самарали уддалайдиган, кам харажат билан катта натижаларга эришадиган, ташкilotнинг стратегик мақсадлари амалга ошишида реал ҳисса қўшадиган юқори малакали кадрга айланади.

Таълим қиймат яратади

Ҳар қандай давлатда амалга ошириладиган ислохотлар самарадорлиги бошқарув кадрларининг касб малакасига боғлиқ. Шу сабабли раҳбар кадрларнинг узлуксиз таълимини йўлга қўйиш, айниқса, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Тараққиёт стратегиясида давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш назарда тутилган.

Давлат фуқаролик хизматида инсон ресурсларини ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш қуйидаги йўналишларда иш олиб боришни тақозо этади:

давлат фуқаролик хизматчиларининг бошқарув профессионализи ва компетенциялари узлуксиз ошириб борилишини таъминлаш;

ўзгарувчан шароитларда самарали қарорлар қабул қилишга қодир давлат фуқаролик хизматчиларининг янги авлодини тарбиялаш;

Ўзбекистоннинг истиқболлини белгиловчи келажак лидерларини шакллантириш;

давлат фуқаролик хизматчиларининг мустақил ва муттасил таълим олишларини рағбатлантирувчи муҳитни яратиш.

Муҳими, малака оширишни давлат хизматчилари учун ҳуқуқ эмас, балки мажбурият даражасига кўтариш зарур. Давлат хизматчиларининг малакасини ошириш ва уларни ривожлантиришга улар ишлайдиган ташкilot ва идора раҳбарларини бевосита масъул ва жавобгар қилиб қўйиш лозим. Ўқув жараёни шундай ташкил этилиши керакки, давлат идоралари фаолиятининг самарадорлиги ортганини фуқаролар ҳис этиши зарур.

Мақола аввалида Тараққиёт стратегияси бугунги «кун тартиби»дан ўрин эгаллагани айтилганди. Одатда, «кун тартиби»даги масала муайян вақт ўтгач долзарблигини йўқотади. Шундай экан: Тараққиёт стратегияси ҳам «кун тартиби»дан тушиб қоладими? Йўқ, албатта. **Тараққиёт стратегияси инфор­мацион «кун тартиби»дан сиёсий «кун тартиби»га кўчади.** Чунки у фақат яхши ниятлар тўпламидан иборат эмас, балки унда аниқ мақсадлар ва ўрта истиқболга мўлжалланган амалий вазифалар белгиланган. Бинобарин, Тараққиёт стратегиясидан ўрин олган марраларга эришишдан ҳар биримиз манфаатдормиз. Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **«эртага эмас, бугун яхши яшашимиз керак».**

Тўлқин КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва
хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси,
сиёсий фанлар номзоди

МУДОФАА ВА ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ: ХАЛҚАРО НОРМАЛАР ВА СТАНДАРТЛАР

Аннотация. Мақолада мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги парламент назорати институтининг назарий ва концептуал асослари таҳлил қилиниб, бу борадаги халқаро норма ва стандартлар ёритилган.

Калит сўзлар: мудофаа, хавфсизлик, ассамблея, парламент назорати, жамоатчилик назорати, халқаро ташкилот, ҳуқуқий норма.

Аннотация. В статье анализируются теоретические и концептуальные основы института парламентского контроля в сфере обороны и безопасности, освещаются международные нормы и стандарты в этой области.

Ключевые слова: оборона, безопасность, ассамблея, парламентский контроль, общественный контроль, международная организация, правовая норма.

Annotation. The article analyzes the theoretical and conceptual foundations of the institute of Parliamentary Control in the field of defense and security, highlights international norms and standards in this area.

Keywords: defense, security, assembly, parliamentary control, public control, international organization, legal norm.

Маълумки, давлатнинг вазифаси жамият-ни унга бўладиган ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялаб, фуқароларнинг тинч яшаш ҳуқуқини барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Мамлакат Қуролли Кучлари, хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқ-тартибот органлари жамиятда ижтимоий барқарорлик, хавфсиз муҳит, қонун устуворлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Парламент халқ манфаатларини ифодалаб, миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил амалга оширишда асосий ўрин тутди.

Парламентларнинг жаҳон ҳамжамиятида хавфсизликни таъминлашдаги ўрнига баҳо берар экан, БМТ Бош Котиби А.Гутерриш парламентлар демократияни ҳимоя қилиши, маҳаллий ва глобал даражалар ўртасида муҳим алоқаларни ўрнатишга ёрдам бериши ҳамда оддий одамларнинг ташвишларини халқаро форумлар эътиборига ҳавола этиши ҳақида фикр билдирган эди [1]. Зеро, мудофаа ва хавфсизлик институтлари устидан парламент назоратини самарали ташкил этиш масаласи халқаро ҳамжамият олдига долзарб вазифалар сирасига киради.

Парламент назорати барча соҳаларда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини беради – парламент томонидан белгиланган тартибда танқид қилиш, муайян тармоқда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш мумкин [2]. Бундай натижага кучли ҳуқуқий асосга

эга парламент назорати орқали эришиш мумкин.

Парламент назорати деганда аҳолининг жамоавий иродасига мувофиқ ҳукуматнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш қобилияти тушунилади. Парламент назорати нафақат конституция ва қонунлар, балки парламент процедуралари ва умумий амалиёт қоидалари билан белгиланади. Мудофаа ва хавфсизлик соҳаси устидан самарали парламент назоратининг шартлари қуйидагилардан иборат: конституциявий ва ҳуқуқий ваколат, умумий амалиёт, ресурслар ва малакалар (компетенция), сиёсий ирода [3].

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратини таъминлашга қаратилган халқаро норма ва стандартлар БМТ Бош Ассамблеяси, Парламентлараро Иттифоқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Европа Иттифоқи Парламенти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА), Шимолий Атлантика шартномаси иттифоқи Парламент Ассамблеяси томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Бугунги даврда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида парламент назоратини амалга ошириш масалаларида халқаро яқдиллик кучаймоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан мудофаа ва хавфсизлик органлари парламент назорати объекти бўлиши кераклиги эътироф этилган [4].

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги парламент назорати БМТ томонидан белгиланган халқаро меъёр бўлиб, кўплаб халқаро ва минтақавий ассоциацияларга аъзо бўлиш, халқаро ислохотлар ва ҳамкорлик муносабатларининг зарурий шартидир [5]. БМТ Бош Ассамблеясининг «Демократияни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш» резолюциясида давлатлар демократияни мустаҳкамлаши, шу жумладан, Қуролли Кучларни демократик йўл билан сайланган фуқаролик парламенти олдида ҳисобдорлигини таъминлаши кераклиги белгиланган [6]. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан аниқланган самарали бошқарувнинг шаффофлик, жавобгарлик, ҳисобдорлик, иштирок этиш, сезгирлик (одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан) хусусиятлари хавфсизлик секторини бошқаришда бир хил даражада қўлланилади [7].

БМТ Тараққиёт Дастурининг Инсоният тараққиёти тўғрисидаги мурожаатида мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги демократик назоратнинг ва демократик бошқарувнинг қуйидаги тамойиллари очиб берилган:

хавфсизликнинг асосий масалалари бўйича олий ҳокимият сайланган халқ вакилларига ишониб топширилиши;

хавфсизлик ташкилотлари халқаро ва конституциявий нормаларга мувофиқ ишлаши, қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши;

хавфсизликни режалаштириш ва ресурслардан фойдаланиш ҳақидаги маълумот ҳукумат ичида ва жамоатчилик учун очиқ бўлиши;

хавфсизлик интизомий ёндашув асосида ҳар томонлама (комплекс) бошқарилиши;

фуқаролик-ҳарбий муносабатлар – фуқаролик ҳокимияти ва мудофаа кучлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга, инсон ҳуқуқларига, ошкоралик ва ҳурматга ҳамда фуқаролик жамияти билан алоқаларга оид аниқ белгиланган ҳокимият иерархиясига асосланган бўлиши зарур [8].

Мудофаа ва хавфсизлик органлари аҳолининг эҳтиёжларига улар томонидан сайланган вакиллар орқали, яъни парламентга сайланган, мудофаа ва хавфсизлик органлари фаолияти устидан сиёсий назоратни амалга оширувчи фуқаролар орқали жавоб бериши керак.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мудофаа ва хавфсизлик органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш тамойиллари хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий аспекти бўйича Кодекси (1994 йил)да мустаҳкамлаб қўйилган. Кодекс мамлакатлар хавфсизлик кучлари устидан демократик қонунийликка эга ҳокимият органлари томонидан

мустақил демократик назоратни амалга ошириш мажбуриятини эълон қилган, шу билан бирга:

қонун чиқарувчи орган томонидан тегишли бюджетларни қабул қилиш;

Қуролли Кучларнинг сиёсий бетарафлиги;

халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ Қуролли Кучларни ёллаш, жиҳозлаш ва тайёрлаш;

Қуролли Кучларнинг халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгарлиги;

ички хавфсизлик миссияларида ҳуқуқ ва тартибни сақлаш учун зарур куч ресурслари;

фуқароларга ва уларнинг мулкига зарар етказмаслик мажбурияти;

Қуролли Кучларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг миллий, диний, маданий, тил ёки этник анъаналарини чеклаш ва уларга риоя қилмаслик учун жавобгарлиги масалаларини белгилайди [9].

«Аъзо давлатларда хавфсизлик секторини демократик назорат қилиш тўғрисида»ги Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг 1713-сон тавсияси (2005 йил)да парламентнинг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги назорат фаолияти аниқ ҳуқуқий нормаларга асосланиши таъкидланган. Парламент назорати хавфсизлик секторини сиёсий жавобгарлик ва ошкораликни рағбатлантириш учун конституциявий тамойиллар, ҳуқуқий қоидалар, институционал ва ташкилий шарт-шароитлар мужассам бўлган, хавфсизлик секторининг турли қисмлари, бир томондан, сиёсий ҳокимиятлар (ижро этувчи, қонун чиқарувчи, суд), бошқа томондан фуқаролик жамияти (нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва бошқалар) институтлари ўртасида яхши муносабатларни ривожлантиришга қаратилган умумий фаолиятни ўз ичига қамраб олувчи бир қатор махсус воситалардан фойдаланади [10].

Парламентлараро Иттифоқнинг Инсон ҳуқуқлари (2004), Фуқаролик жамияти (2005), Умуминсоний демократик ва сайлов стандартлари (2007), Сўз эркинлиги ва ахборот олиш ҳуқуқи (2009), Ёшларнинг демократик жараёнларда иштироки (2010), Парламентларда гендер тенглигини таъминлаш бўйича Ҳаракат режаси (2012), Демократик жараёнда фуқароларнинг иштироки (2013), Рақамли асрда демократия (2015), Аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки (2016), Терроризм туфайли демократия ва инсон ҳуқуқларига нисбатан юзага келган таҳдидлар (2016) каби резолюцияларида парламент назоратига оид тавсияларга кенг ўрин берилган.

Парламентлараро Иттифоқнинг Демократия

бўйича умумжаҳон декларациясида «Хавфсизлик органи тузилмалари фаолияти устидан демократик назоратни махсус хизматларнинг фаолиятини тартибга солувчи парламент тасдиқлаган аниқ қонунчилик базасини яратишдан бошлаш керак. Қонунлар махсус хизматларнинг ваколат доирасини, уларнинг фаолият усуллари ва назоратни амалга ошириш имкониятларини белгилаб бериши керак» [11], - деб таъкидланган.

«Демократия тўғрисидаги умумжаҳон декларациясининг 20 йиллигига: хилма-хиллигимиз умумийлиги» номли Парламентлараро Иттифоқнинг 137-ассамблеясида бир овоздан қабул қилинган резолюция (Санкт-Петербург, 2017 йил 18 октябрь)да парламентларнинг демократия соҳасидаги ролига баҳо берилиб, ошкора, очиқ, ҳисобдор ва самарали вакиллик институтларига эҳтиёж мавжудлиги, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ваколатлар бўлинишини мувозанатлаш муҳимлиги, парламент ва суд мустақиллигини конституция ва қонунлар орқали таъминлаш муҳимлиги, парламентларнинг ўз фаолиятида ижроия, маъмурият ва харажатлар тизимини назорат қилиш салоҳиятини кучайтириш таъкидланган [12].

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеясининг «Европа Кенгашига аъзо давлатларда давлат хавфсизлик органи фаолиятини назорат қилиш тўғрисида»ги Тавсияларига биноан давлат хавфсизлик органи Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига риоя қилишлари ва унинг ҳар қандай тарзда бузилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жазоланиши керак.

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти Парламент Ассамблеяси (НАТО ПА) томонидан қабул қилинган халқаро келишув актларидан, масалан, Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши, Тинчлик йўлида ҳамкорлик шартномаларини келтириш мумкин. НАТО Парламент Ассамблеяси ўз иши ва фаолияти орқали қонун чиқарувчиларни НАТО билан боғлиқ масалалар бўйича миллий мунозаралар учун воситалар билан таъминлайди ва шу тариқа парламентларнинг мониторинг функциялари салоҳиятини кучайтиришга ёрдам беради [13].

МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг ўн саккизинчи пленар мажлисида қабул қилинган «Давлатнинг ҳарбий ташкилоти устидан парламент назорати тўғрисида»ги модель қонун МДҲга аъзо давлат ҳарбий ташкилоти устидан демократик фуқаролик назорати соҳасида парламентнинг ваколатлари ва функцияларини амалга ошириш шакллари

белгилайди. Қонун тавсия характерига эга бўлиб, МДҲга аъзо давлатларнинг бундай назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги фаолияти учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳарбий ташкилот устидан парламент назоратининг моҳияти, йўналиши, шакллари ва усуллари ушбу Қонуннинг тартибга солиш предмети ҳисобланади.

Модель қонунга кўра, давлатнинг ҳарбий ташкилоти устидан парламент назорати – парламент томонидан бошқа давлат органи ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган, соҳада ҳуқуқий тартибга солиш ва маъмурий чора-тадбирлар тизимини яратиш ҳамда уларнинг муносиб қўлланилишини таъминлаш бўйича фаолиятдир. Бу фаолият давлатнинг ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи ҳарбий қўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларга фуқаролик сиёсий ҳокимиятининг олий институтлари томонидан хавфсизликни таъминлаш ва давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун самарали раҳбарлик қилишни назарда тутди.

Модель қонунда ҳарбий ташкилот устидан парламент назоратини амалга ошириш шакллари қуйидагича белгиланган:

давлат ҳарбий ташкилотини бошқариш механизми ва тартибини, унинг фаолияти ва давлат ҳокимиятининг фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини белгиловчи қонунларни қабул қилиш; давлат ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи Қуролли Кучлар, ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар ҳамда органларнинг ҳарбий хизматчилари ва хизматчиларининг фуқаролик, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш, уларнинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш;

давлат ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи Қуролли Кучлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларнинг бюджетини тасдиқлаш ва бажарилишини ҳамда бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари ҳарбий соҳага жалб қилинишини назорат қилиш;

давлатнинг ҳарбий ташкилоти таркибига кирувчи қуролли кучлар, қўшинлар, ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва органларнинг ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг таркиби, тузилиши ва штат жадвалини тасдиқлаш [14].

Мудофаа ва хавфсизлик органи устидан парламент назоратини амалга оширишда парламентнинг қонун чиқариш ваколати асосий омил ҳисобланади. Чунки парламент конституцияда назарда тутилган тартибда давлатнинг ҳарбий

ташкilotини бошқариш тизимини тартибга солувчи ҳамда ушбу ташкilotни бошқариш бўйича муассасалар ва давлат органларининг ваколатларини белгилувчи қонунлар қабул қилади.

Шунингдек, парламент ҳарбий хизматчиларнинг фуқаролик, ижтимоий, шахсий ҳуқуқларига риоя этилишининг қонунчилик кафолатларини таъминлайди, давлат ҳарбий ташкilotи фаолияти ва уни бошқаришнинг бошқа масалаларини тартибга солади. Мудофаа ва хавфсизлик органларини назорат қилиш ҳамда бошқариш учун ҳуқуқий базанинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай асос халқаро мажбуриятлар ва инсон ҳуқуқларига мос келиши керак. Қонун лойиҳаларини назорат қилиш, бундай қонунларга ўзгартишлар киритиш, тасдиқлаш ёки рад этиш парламентнинг асосий вазифасидир. Бундай доимий қонунчилик фаолиятисиз миллий назоратнинг сифат даражаси пасаяди.

Европа Парламенти ёндашувига кўра, парламент назорати мудофаа ва хавфсизлик сектори иштирокчиларининг умумий сиёсатга мувофиқлигини ва уларнинг фаолияти самарадорлигини текшириш ҳамда бу борада қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнларини ўз ичига олади. Назорат икки шаклда, биринчидан, мудофаа ва хавфсизлик сектори, яъни ўзининг ички назорати ва ҳукумат, вазирликлар, ҳарбий, полиция ва разведка қўмондонликларини ўз ичига олган ижро этувчи ҳокимият, иккинчидан, парламент, суд, мустақил органлар, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро ташкilotлар томонидан амалга оширилади [15].

Мудофаа ва хавфсизлик соҳалари устидан

назорат функциясини амалга оширишда парламент махсус ваколатлар, хусусан, куч ишлатиш миллий қонунларга, халқаро норма ва стандартларга мувофиқлигини текширади [16]. Европарламент қоидаларига кўра, парламент турли босқичларда ўз назорати ваколатларини мустақил равишда ёки ижро ҳокимияти билан биргаликда амалга оширади. Парламент ижро ҳокимияти таклифига биноан умумий мудофаа ва хавфсизлик сиёсатини кўриб чиқади, ўзгартиради ва тасдиқлайди, ушбу секторга харажатлар миқдори ва мазмунини белгилайди ҳамда мазкур соҳалар фаолияти тасдиқланган бюджетга ва бошқа қонун нормаларига мувофиқлигини текширади. Бунда махсус кўмиталар қимматли тажриба манбаси ва фойдали мулоқот воситаси ҳисобланади.

Парламентлар ҳарбий амалиётлар тугаллангандан сўнг уларнинг ўтказилишини муҳокама қилиши ва баҳолаши мумкин. Парламент, шунингдек, агар раҳбарлар тайинланишини назорат қилиш, уруш ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиш, шартномаларни ратификация қилиш, қурол-яроғ сотиб олиш ва кўшинларни чет элга жойлаштиришга рухсат берилса, муайян қарорларни қабул қилишда бевосита иштирок этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мавзу доирасидаги халқаро ҳужжатларнинг мақсади – биргаликда мудофаа ва инқирозни бошқариш тизимларини ривожлантириш, давлатлар ўртасида тинч муносабатларни қўллаб-қувватлаш, низоларнинг олдини олиш, қонун устуворлиги тамойилларини илгари суриш, инсон ҳуқуқларини, демократияни ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришдан иборат.

Иқтибослар / Сноски / References

1. А.Гутерриш. БМТ Парламентлараро иттифоқи 140-Ассамблеясидаги мурожаати. Доҳа, Қатар, 06.05.2019 й.
2. Алиев С., Солеев А. Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари. Илмий семинар материаллари. Т., -2005. 137-б.
3. Hans Born, Philipp Fluri and Anders Johnsson (eds.), DCAF and IPU (2003), Парламентский контроль над сферой безопасности: принципы, механизмы и практические аспекты. Киев. 2004. 72 стр.
4. Подотчетность спецслужб: правовые нормы, опыт и рекомендации. Ганс Борн, Иан Лей. Женева 2005. 12-стр.
5. О природе отношений между ООН и парламентским миром Стратегический документ, представленный г-ном Г.Версником, членом парламента Бельгии, членом Консультативной группы Комитета МПС по делам ООН одобрен 117-й Ассамблеей МПС (Женева, 10.10.2007 г.).
6. БМТ БА «Демократияни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш» резолюция. 8-с. 55/96 (2000) // un.org/Depts/dhl/resguide/r55.htm.
7. «Роль надлежащего управления в поддержке прав человека» («The role of good governance in the promotion of human rights» - UNCHR Res. 2000/64, UN Doc. E/CN.4/RES/2000/64.) См.: un.org/en/terrorism/pdfs/2/G0014048.pdf p. 277).
8. Human Development Report 2002 Deepening Democracy in a Fragmented World Published for the United Nations Development Programme (UNDP) New York - Oxford, Oxford University Press 2002. 292 p. // undp.org/hdr2002/complete.pdf.
9. ЕХҲТнинг хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий аспекти буйича Кодекси. 1994 йил, // osce.org/item/883.html.
10. «Аъзо давлатларда хавфсизлик секторини демократик назорат қилиш тўғрисида» ЕК ПА 1713-сон тавсияси (2005) // hdr.undp.org/en/media/hdr_2002_en_complete.pdf.
11. Парламентский контроль над деятельностью сектора безопасности: принципы, механизмы и опыт работы. Книга для парламентариев № 5. Женева: ДКВС, 2003. - С. 64
12. 137-я Ассамблея Межпарламентского союза Санкт-Петербург (Россия) 14-18.10.2017 й.
13. Иден Коул, Филипп Флури. Контроль и руководство: Парламенты и управление в секторе безопасности. ДКВС, Женева 2015г. - 76 с).
14. «Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ», №28, 2002 год.
15. Hans Born, Aidan Wills, DCAF-Ministry of Foreign Affairs of the Netherlands (2012), Контроль над разведывательными службами: Практическое пособие).
16. Centre for Integrity in the Defence Sector. Criteria for good governance in the defence sector. International standards and principles (2015).

Миродил БАРАТОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиғи,
юримдик фанлар доктори, профессор

Улуғбек ҲАЖИЕВ,

Урганч давлат университети
катта ўқитувчиси,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори

КОРПОРАТИВ ТИЖОРАТ ЮРИДИК ШАҲСЛАРИ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ: КОРХОНАЛАР МИСОЛИДА ёхуд корхона мақомини белгиловчи фуқаролик қонунчилигининг ривожланиш истиқболлари хусусида

Аннотация. Мақолада ҳуқуқнинг ҳам субъекти, ҳам объекти, мустақил ҳуқуқ лаёқати ва ўзига хос ҳуқуқий фаолият режими эгаси бўлган корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва хусусиятлари кўриб чиқилган. Шунингдек, муаллифлар томонидан ушбу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш истиқболларига оид қатор таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: корхона, ҳуқуқ объекти, ҳуқуқ субъекти, мулк комплекс, тижорат фондлари, савдо активлари.

Аннотация. В статье исследуется организационно-правовая форма и особенности предприятия, являющегося одновременно субъектом и объектом права, полноправным обладателем самостоятельной правоспособности и специфическим правовым режимом своей деятельности. В этой связи авторы выдвигают ряд предложений о перспективах развития законодательства в данной сфере.

Ключевые слова: предприятие, объект права, субъект права, имущественный комплекс, коммерческие фонды, торговые активы.

Annotation. The article examines the organizational and legal form and features of an enterprise, which is both a subject and an object of law, a full owner of independent legal capacity and a specific legal regime of its activities. In this regard, the authors puts forward a number of proposals on the prospects for the development of legislation in this area.

Keywords: enterprise, object of law, subject of law, property complex, commercial funds, trading assets.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра, «корхона» фуқаролик муомаласи объекти сифатида эътироф этилади [1]. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида»ги низомга кўра, давлат корхонаси – давлат мулкидаги, ўзига оператив бошқариш учун берилган мулк негизда ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир. У ўзига бириктирилган мулкдан қонун доирасида, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи – муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгаллик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади [2].

Худди шундай аралаштириб юборилган мазмундаги матнни ўз даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 2007 йил 13 июлдаги 01/16-712-сон Қарори (рўйхат рақами 1708, 03.09.2007й.) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг давлат корхоналари ва муассасалари ҳисоби ва реестрини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 1-бўлим 1-банди бешинчи хатбошисида ҳам кўриш мумкин [3] (қарор Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2021 йил

26 августдаги 01/11-22/09-сон қарорига асосан кучини йўқотган [4]).

Фуқаролик кодексига асосан, бутун корхона мулк комплекс сифатида кўчмас мулк саналади. Хусусан, Кодекснинг 85-моддаси иккинчи қисмига кўра, бутун корхона ёки унинг қисми олди-сотди, гаров, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига мувофиқ, хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли. Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар ва хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади [5].

Махсус адабиётларда қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд. В.В.Лаптевнинг фикрича, «корхона фақатгина бошқа корхоналар билан

эмас, балки юридик шахс сифатида давлат органлари билан ҳам муносабатларда иштирок этувчи ҳуқуқнинг ўзига хос мураккаб субъекти ҳисобланади. Шу асосда корхона ҳам вертикал, ҳам горизонтал муносабатларда ягона хўжалик юритувчи, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлиб ҳисобланади» [6].

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида бир неча ўринларда «корхона» атамаси учрайди, баъзи ўринларда – ҳуқуқ объекти, бошқа ўринларда – ҳуқуқ субъекти сифатида намоён бўлади. Хусусан, «худудий корхоналар» (22-мақсад), «йирик корхоналар» (27-мақсад), «экспортчи корхоналар» (28-мақсад), «агросаноат корхоналари» (30-мақсад), «саноат корхоналари» (51-мақсад) – ҳуқуқ субъекти; «корхоналарни хусусийлаштириш» (22-мақсад), «йирик корхоналарни фонд биржаси орқали хусусийлаштириш» (27-мақсад) – ҳуқуқ объекти сифатида намоён бўлишини кузатамиз [7].

Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, «Корхона ўз таркибига кўчар ва кўчмас мулк ҳамда бошқа мол-мулкни олувчи фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос объектидир» [8]. Корхона тасарруф этиладиган бўлса, бутун мулк сифатида топширилиши мақсадга мувофиқ. Агарда алоҳида дастгоҳлар, тайёр маҳсулот ва бошқалар тўғрисида сўз кетса, бутун корхона эмас, балки корхонанинг бир қисми сотилаётган бўлади.

Иқтисодий маънода корхона «мулккий комплекс» ва «жисмоний кучлар» каби белгиларни ўзида ифода этади [9]. «Мулккий комплекс»га фақат моддий неъмат ва пул маблағларидан ташқари корхона билан боғлиқ ашёлар каби пул қимматлигига эга ва баҳоланиши мумкин бўлган номоддий неъматлар ҳам киради. Юридик нуқтаи назардан корхона кўчмас мулк сифатида ўз фаолиятини юритиш учун мўлжалланган ҳар турдаги мулкларини, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентарь, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга бўлган ҳуқуқ ва бошқа номоддий ҳуқуқларни ўз ичига олувчи мулккий комплексдир. Буларнинг барчаси бутун ҳолатда корхонанинг фаолият юритишини таъминлайди.

Корхонани давлат тасарруфидан чиқаришда ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Корхона акциядорлик жамиятларига айлантирилганда, унинг меҳнат жамоаси акцияларни сотиб олишда устунлик ҳуқуқига эга. Хусусан, 2014 йил 6 май-

даги янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун [10] ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги қарори билан тасдиқланган «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида»ги Намунавий низомда асосий эътибор корхона ходимлари ҳуқуқлари ҳимоясига ва уларни корхонани бошқариш учун жалб қилишга қаратилган.

Фарбий Европа давлатларида корхона анъанавий тарзда ҳуқуқ объекти сифатида эътироф этилади. М.И.Кулагин корхонанинг хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги ўзига хос жиҳатларини ўрганар экан, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: хориж қонунчилигида «корхона» тушунчаси кўпроқ иқтисодий моҳиятдан келиб чиқиб, ўзида ишчи кучи ва сармоя бирлашган жойни ифодалайди [11].

Фарбий Европа адабиётларида корхона «муайян мақсадлар учун ташкил этилган уюшма» ёки «товарлар ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш учун инсон ресурслари ва иқтисодий факторлар бирлашган мустақил ташкилот» [12] сифатида таърифланади. Масалан, 1938 йили қабул қилинган АҚШнинг «Адолатли меҳнат шароитлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси «r» бандида «ягона тижорат мақсадини кўзлаган ҳар қайси шахс ёки шахслар томонидан амалга ошириладиган бир-бирига боғлиқ фаолиятдир» дейилган.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигида «корхона» турли маънода қўлланади. Объект ёки субъект маъносидagi «корхона» атамаси билан бошқа юридик фактлар ҳам белгиланади. Мисол учун, Франциянинг одатий фуқаролик ҳуқуқида бу атама шартномага ҳам ишлатилади [13]. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида бу пудрат шартномасидир (631-м.).

Германия Савдо тузукларида корхона (Unternehmen) фақат касб-кор фаолиятини олиб боровчи субъектни белгилаш учун қўлланилади. Германия фуқаролик ҳуқуқида тадбиркор қўлидаги ташкилий бирликка эга ашёлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси корхона ҳисобланади [14]. Бевосита корхона фаолиятига бағишланган параграфларда «коммерсант» ва «савдо иши» атамалари ишлатилади.

Австрия Тадбиркорлик тузукларидаги корхонага бағишланган нормаларга кўра, корхона узоқ муддатли иқтисодий фаолият олиб борадиган ташкилотдир.

Швейцария фуқаролик-ҳуқуқий қонунчилигида ҳам савдо ишини ташкил қилиш ва уни олиб боришда коммерсант асосий субъект

сифатида намоён бўлади. Австрия Тадбиркорлик тузукларида тадбиркор – бу касб-кор билан шуғулланувчи ва корхона фаолиятини олиб борувчи шахс, дейилган.

Франция, Германия, Италияда корхона бир бутун, мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк объекти деб тан олинмаган. Ваҳоланки, у ўз таркибида кўчмас мулк объектларига эга бўлиши мумкин. Францияда кўчмас мулк қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолда тижорат фондлари таркибидан олиб ташланган.

Францияда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қўйиладиган шартларнинг асосийларидан бири – бу савдо активларига эга бўлишдир. Бу ўзига хос мулкӣ комплекс тушунчаси суд ҳокимияти томонидан белгиланади. Савдо активлари – бу тижоратчи ўз фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланадиган кўчар моддий ва номоддий активлар йиғиндиси [15]. Савдо активлари таркибига иқтисодий ва молиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган хомашё, маҳсулот, мижозлар, фирма номи ва белгисини ифодаловчи лавҳа, ижарага олиш ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Айтиш лозимки, «корхона» тушунчаси «савдо активлари» тушунчасидан кенгроқ. Чунки корхона ўзига хос қийматни ташкил этувчи корхона имкониятлари (мижозлар ва ҳамкорлар билан ўрнатилган барқарор алоқалар, ишчанлик обрўси, корхона сири, бозордаги обрў-эътибори, реклама ва бошқалар)ни ҳам ўз таркибига олади. Демак, корхона тадбиркорга фаолиятни амалга ошириши учун зарур восита ва ҳуқуқ объекти ҳисобланади. Корхона мулкӣ комплекс сифатида моддий элементлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек, мижозлар ва ҳамкорлар билан ўрнатилган барқарор муносабатларни ҳам ўз ичига олади [16].

Шундай қилиб, хорижий мамлакатлар ва миллий қонунчилигимиз таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «корхона», умуман олганда, фуқаролик муомаласи объекти ҳисобланади. Фақат бу ерда ҳаракатлантирувчи тирик куч ҳисобланган ходимларни ўз ичига олган ижтимоий-иқтисодий маънодаги корхонани тасаввур қилмаслик керак. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, корхонани объект сифатида тан олишда юзага келаётган баҳс-мунозаралар корхонани соф маънодаги мулкӣ комплекс эмас, балки ижтимоий-мулкӣ комплекс деб талқин қилишга сабаб бўлмоқда.

Баён этилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчи, фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабат-

лар объекти сифатида корхона ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган. Унинг таркибига ҳар турдаги мулклар киради.

Чунончи, кўчар ва кўчмас мулклар, талаб қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш, қарзлар, айрим мутлақ ва бошқа номулкӣ элементлар. *Шундан келиб чиқиб, корхонага мулк эмас, балки мол-мулк деб қараш тўғри бўлади.*

Иккинчи, таҳлилларга кўра, фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг объекти сифатида корхона қуйидаги белгиларга эга:

моддий ва номоддий элементларни бирлаштирувчи мураккаб мулкӣ комплекс;

элементлари муайян ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш имконини берувчи интегратив бирликни ташкил этади;

эксплуатация қилинадиган (амалда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш имкониятига эга бўлган) мулкӣ комплекс;

уни ташкил этувчи мол-мулк йиғиндиси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида фойдаланилади.

Бу белгилар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, уларнинг йиғиндиси корхона тушунчасини ташкил этади. Кўриниб турибдики, биринчи ва тўртинчи белгилар соф ҳуқуқӣ аҳамият касб этади. Иккинчи ва учинчи белгилар эса кўпроқ иқтисодий асосларга таяниш билан бирга қатор ҳуқуқӣ оқибатларни вужудга келтиради ва мулкӣ комплексни корхона сифатида ҳуқуқӣ жиҳатдан тавсифлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи, фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг объекти сифатида корхона ва унинг ўзига хос хусусиятлари бўйича тадқиқот олиб бориш жараёнида норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларда «корхона» тушунчаси алоҳида мураккаб ашё сифатида таърифланаётганлигига амин бўлдик.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган мулкӣ комплекс сифатида корхона таркибига фақатгина ашёлар эмас, балки талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар ҳамда мутлақ ҳуқуқлар ҳам киради. Корхона фақатгина ашёлар йиғиндисини эмас, балки ашёлар ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари йиғиндисини ифодалайди.

Шу боис корхона тушунчасига қуйидагича таъриф беришни лозим топдик: **«Корхона – бу моддий ва номоддий неъматларни ўз ичига олувчи, муайян соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, эксплуатация қилинади-**

ган (амалда фаолият кўрсата оладиган) мураккаб ва ягона мулккий комплекс».

Тўртинчи, қайд этганимиздек, узоқ йиллар корхона иттифоқ миқёсида асосан ҳуқуқ объекти сифатида қаралди, давлат мулкнинг таркибий қисми бўлиб келди. Айтиш мумкинки, давлат мулкнинг асосини ташкил этди. Шу маънода давлат мулки ва корхона ўртасидаги ўзига хос парадигмани ҳам кўриб чиқиш мавриди келди.

Ҳозирда юртимизда давлат мулкидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг умум эътироф этилган тизими мавжуд эмаслиги боис республикада давлат мулкнинг мамлакатдаги иқтисодий муомаладаги ҳажмини аниқ белгилаш, давлат мулкидан фойдаланишнинг ҳар бир йил учун қиёсий таҳлилини белгиловчи аниқ мезонларнинг мавжуд эмаслиги эса давлат мулкни бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини тўғри баҳолаш имкониятини бермайди.

Шу муносабат билан давлат мулкнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда, халқ фаровонлигини таъминлашда, давлат мулкнинг самарадорлигини оширишда ва қолаверса, иқтисодий муомаладаги давлат мулки улушининг ўртача миқдорини назорат қилиш орқали мамлакат иқтисодий ривожланишининг барқарорлигига эришишда давлат мулкни бошқариш самарадорлигини белгиловчи мезонларни ўзида ифода этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш лозим бўлади.

Фикримизча, **бундай мезонлар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

биринчидан, давлат корхоналари ва муассасаларини бошқариш самарадорлиги қуйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин:

республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга қўшимча даромадларни кўпайтириш;

муайян маҳсулотларга нисбатан баҳони пасайтириш (товарлар, ишлар, хизматлар);

давлат корхоналарини сақлаб туриш учун сарфланадиган харажатларни камайитириш, уларнинг молиявий-иқтисодий натижаларини яхшилаш;

Кроме того, как известно, законопроекты обсуждаются не только в ответственном комитете, но и во всех комитетах Законодательной палаты. К примеру, Регламент Законодательной палаты предусматривает участие на таких заседаниях специалистов, ученых и экспертов, которым законопроект направлялся для дачи заключений, предложений и замечаний.

Лишь одна норма, входящая в правовую основу научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности, содержится в регламенте Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, утвержденном постановлением Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Так, в Регламенте Сената предусмотрено приглашение на заседания комитетов Сената представителей государственных органов и негосударственных некоммерческих организаций, научных учреждений, специалистов и ученых, представителей органов печати, телевидения, радио и других средств массовой информации.

Вместе с тем законодатель не ограничивается регламентацией норм, касающихся научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности лишь в Регламентах палат Парламента. В национальном законодательстве данный вопрос подробно освещен в Законе Республики Узбекистан «О парламентском контроле», определяя тем самым основы научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности на законодательном уровне.

В частности:

Закон закрепляет право комиссии при проведении парламентского расследования привлекать к её работе представителей государственных органов, органов хозяйственного управления, специалистов, экспертов и ученых;

запрашивать необходимые сведения у государственных органов, органов хозяйственного управления, других организаций, а также граждан;

приглашать должностных лиц государственных органов, органов хозяйственного управления, других организаций, а также граждан для дачи разъяснений.

Все эти действия могут быть отнесены к формам (способам) научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности.

К правовым основам научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности можно отнести и несколько норм Закона Республики Узбекистан «О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан». Например, статью 11, которая предусматривает, что, **во-первых**, для подготовки проекта закона субъектом права законодательной инициативы может создаваться рабочая группа (комиссия), в состав которой могут быть включены представители соответствующих подразделений субъекта права законодательной инициативы, министерств, государственных комитетов или ведомств, отвечающих за состояние и развитие соответствующих отраслей, других заинтересованных государственных органов, научных и иных организаций, а также граждане. При этом представители негосударственных организаций, а также граждане включаются в состав рабочей группы (комиссии) с их согласия. Члены рабочей группы (комиссии) должны обладать соответствующими знаниями и опытом, необходимыми для подготовки проекта закона.

Во-вторых, для обеспечения деятельности рабочей группы субъект права законодательной инициативы вправе получать из государственных органов и иных организаций материалы, статистические и другие данные, необходимые для подготовки проекта закона, получать консультации и рекомендации научных и иных организаций, ученых и специалистов, а также заключения экспертов по проекту закона. Либо в случаях необходимости, в пределах своей компетенции, может поручить в установленном порядке или на договорной основе подготовку проекта закона государственным органам, научным учреждениям и иным организациям, отдельным гражданам.

В-третьих, субъект права законодательной инициативы, в случаях необходимости, в пределах своей компетенции, вправе поручать подготовку альтернативных проектов законов нескольким государственным органам, научным учреждениям и иным организациям, отдельным гражданам на договорной основе.

Кроме того, этот закон предусматривает, что, после завершения работы над проектом закона для оценки его качества по решению субъекта права законодательной инициативы проект может быть подвергнут правовой и иной экспертизе (экономической, финансовой, научной, экологической антикоррупционной и другой). По результатам экспертизы проекта закона экспер-

ты представляют соответствующее заключение. В качестве экспертов привлекаются организации и (или) лица, не принимавшие непосредственно участие в подготовке проекта закона.

Для проведения экспертизы могут быть привлечены ученые и специалисты, в том числе из других государств и международных организаций. Предложения и замечания, высказанные в ходе обсуждения проекта закона или изложенные в заключениях экспертов, носят рекомендательный характер. По неучтенным предложениям и замечаниям составляется справка с соответствующими пояснениями (ст. 23 Закона).

Закон предусматривает обязательность проведения правовой экспертизы законопроекта, которую, помимо юридической службы субъекта права законодательной инициативы, а также Министерства юстиции Республики Узбекистан, могут проводить и другие организации в соответствии с законодательством, которыми могут быть научные и экспертные учреждения (ст. 24).

Примерно такие же нормы содержатся в Законе Республики Узбекистан «О нормативно-правовых актах» (ст. 22).

Однако существуют и ряд отличительных норм.

Во-первых, законом предусмотрено, что при подготовке проекта нормативно-правового акта разработчик, а им может быть и депутат Законодательной палаты Олий Мажлиса:

обобщает и использует предложения государственных органов и иных организаций, а также отдельных граждан, материалы средств массовой информации, консультации и рекомендации научных и других организаций, ученых и специалистов, данные иных средств выявления общественного мнения;

изучает результаты научных исследований, публикации в средствах массовой информации, всемирной информационной сети Интернет, обращения физических и юридических лиц, относящиеся к предмету правового регулирования проекта нормативно-правового акта.

Во-вторых, проекты нормативно-правовых

актов выносятся на общественное или профессиональное обсуждение, которое проводится с участием представителей, в том числе органов самоуправления граждан и других институтов гражданского общества, иных организаций, ученых, специалистов и граждан. Профессиональное обсуждение проектов нормативно-правовых актов проводится с участием представителей соответствующих научно-исследовательских учреждений, отраслей.

Участники общественного или профессионального обсуждения проекта нормативно-правового акта должны быть заблаговременно ознакомлены разработчиком с его текстом. Предложения и замечания, высказанные в ходе обсуждения проекта нормативно-правового акта, носят рекомендательный характер и подлежат рассмотрению разработчиком. Материалы обсуждения проекта нормативно-правового акта вносятся на рассмотрение органа, обладающего правом принятия нормативно-правового акта, одновременно с внесением проекта нормативно-правового акта.

В-третьих, закон содержит специальную статью 24, посвященную общественному обсуждению нормативно-правовых актов (одним из видов которых является законопроект), которая является одной из форм научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности. В этой статье раскрывается порядок размещения, срок общественного обсуждения, порядок учёта и рассмотрения поступивших замечаний и предложений, а также реализация результата общественного обсуждения.

Таким образом мы видим, что основой правовой регламентации научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности в Узбекистане остаются положения Основного закона нашей страны. А благодаря осуществляемой в нашей стране Конституционной реформе у нас есть возможность выдвинуть свои предложения в направлении дальнейшего укрепления конституционно-правовых основ научно-экспертного обеспечения парламентской деятельности.

Сноски / Иқтибослар / References

1. Селиванова Е.А. «Информационное обеспечение деятельности Государственной Думы Российской Федерации Федерального собрания Российской Федерации: опыт, проблемы, перспективы». Автореф. дисс... на соис. уч. степени канд. юр. наук -М., 2008.С. 4.
2. Конституция Российской Федерации // constitution.ru/10003000/10003000-3.html.
3. Конституция Республики Казахстан // online.zakon.kz/Document/?doc_id=1005029&pos=26;-10#pos=26;-10.

Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ,
Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг умумий сиёсий аҳамияти, унда сиёсий институтларнинг ўрни ва жамиятда фаол фуқаролар шаклланишига таъсири ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: тараққиёт стратегияси, сиёсий институтлар, замонавий жамият, сиёсий тафаккур, зоя, мутаносиблик.

Аннотация. В статье описывается общее политическое значение Стратегии развития Нового Узбекистана, отражение в ней роли политических институтов, ее влияние на формирование в обществе активных граждан.

Ключевые слова: стратегия развития, политические институты, современное общество, политическое мышление, идея, соразмерность.

Annotation. The article describes the general political significance of the Development Strategy of New Uzbekistan, its reflection of the role of political institutions, its influence on the formation of active citizens in society.

Keywords: development strategy, political institutions, modern society, political thinking, idea, proportionality.

Глобаллашув ва замонавийлашув умумий аҳамият касб этувчи тушунчалардир. Бунда анъанавийлик ва замонавийлик муносабатлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий институтларнинг мавжудлиги, фаоллиги, таъсирчанлиги муҳим ўрин тутди. Бу тушунчалар моҳиятини тўғри англаш масалани аниқ идрок этишга имкон беради. Замонавийлик (фр. «modern» – «замонавий») турлича, яъни: ўзгариш, мукаммаллаштириш, янгича хусусиятларга эга бўлиш; модернизация – анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтишнинг турли воситалари йиғиндиси тарзида талқин этилади.

Замонавийлик жамиятда содир бўлаётган турли илмий-техникавий, саноатлашув натижасида юзага келувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий алмашинувлар уйғунлигини ҳам ўзида муҳасам этган. *Фикримизча, замонавийлик* – инсон онги, тафаккури ва эҳтиёжи ўсиб бориши натижасида юзага келувчи, аҳолининг янгиларига интилиш хусусиятлари билан боғлиқ қарашлар тизимидир. *Анъанавийлик* ижтимоий-фалсафий дунёқарашлар йиғиндиси ва тажрибавий ақлнинг онг-тафаккур ҳолатидан устун қўйилиши билан ифодаланувчи, радикал-консерватив жиҳатлари билан ажралиб турувчи ғоялар бирлигидир.

Анъанавий жамият сиёсий институтларининг замонавий жамиятни шакллантиришдаги ўрнини Низомулмулк «Энг яхши қоида – кўпроқ қабул маросимларини ўтказиб туриш керак, маросимлар камайган ҳолларда фитначилар куч тўплаб, раият ва лашкар аҳолини ғириллаштиради. Агар шу тартибда қабул маросими ўтказилса, бу қоидага айланади ва пардани кўтаришга ҳам

ҳожат қолмайди»[1],- деб таъкидлайди.

Ўзгаришлар, ислохотлар жамият ва давлат учун, аввало, сиёсий мазмунга эга. «Давлат ўз-ўзини ўзгартириш воситаларига эга эмас экан, демак, у ўзини сақлаб қолиш кучига ҳам эга эмас»[2],- деган эди Э.Берк. Бунда анъанавий жамият институтлари фаолиятдан тўғри фойдаланиш, замонавийлик жараёнида мослашувчанлик қонуниятларини тўғри таҳлил этиш муҳим.

Шу боис ҳам Президентимизнинг «*Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий орзу-интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир*»[3],- деганлари бежиз эмас.

Анъанавийликнинг «чуқур илдизлари» унинг сиёсий институтлари билан боғлиқ. Чунки улар анъанавийликнинг асосий ташувчилари ҳамдир. *Бизнингча*, жамият институтлари хоҳ анъанавий, хоҳ замонавий бўлсин, унинг аъзолари қарашларининг расмий ва тартиблаган кўринишидир. Аристотель жамиятда барча тартибсизликларнинг сабабини, аввало, нотенгликда кўрган эди.

Анъанавийлик ва замонавийлик XX асрнинг 50-60-йилларига қадар бир-бирига зид тушунчалар сифатида эътироф этилган. Бунга ўша давр назариётчилари «далилловчи сабаблар» ҳам келтириб ўтишган. Унга кўра, анъана – бу жамиятда тарихан шаклланган тартиблар ва маросимлар

сақланиб қолиши, сиёсий ривожланишнинг авторитар кўринишлари устунлиги, консерватизм ғоялари асосида бойитилгани билан изоҳланган.

Таъкидлаш керак, ҳар қандай замонавийлик, янгиланиш ва ислохотлар ортида сезиларли даражада анъанавийлик таъсирини кўрамиз.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида, аввало, сиёсий институтлар фаолиятини янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди. Бунда анъанавий жамият институтларини такомиллаштириш асосий аҳамиятга эга. Тараққиёт стратегиясида янгича ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш давлат сиёсатининг муҳим ва асосий йўналиши этиб белгиланди.

Тараққиёт стратегияси ўзида жамиятнинг асосий институтлари хусусиятларини ривожлантирган ҳолда қуйидаги ўзгаришларни: иқтисодий юксалиш; жамиятнинг турли соҳаларини саноатлаштириш; урбанизация ва аҳолининг шаҳарларга кўчиб бориши; аҳоли саводхонлиги ошишини назарда тутди. Аммо бу жараёнлар барча давлатларда бир хил кечмайди. Ҳатто ҳудудий яқин мамлакатларда ҳам турли белгиларга асосланган қарама-қаршилиқлар кузатилади.

Фикримизча, замонавийлик аҳоли кайфияти билан мос туриши лозим. Ўзига хос ғоявий қарашлар, мафкуравий иммунитетнинг бирламчи манбаси ижтимоий, кейинги босқичларда сиёсий институтлар томонидан шакллантирилади. Миллий ўзликни англаш фақат анъанавий қадриятларни идрок этиш эмас, балки янгиланишларга ҳам мослашиб бориш ва уни умуминсоний тамойиллар билан бойитиш демакдир.

Тараққиёт стратегиясининг мақсади ҳам янгиланишларни амалга оширишда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий институтларини такомиллаштиришдир. Чунончи, унинг биринчи устувор йўналиши – **«инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш»**дир. Бунда жамиятнинг сиёсий институтлари билан модернизацион жараёнларнинг боғлиқлиги – улар инсон, жамият, давлат манфаатлари, қарашлари ўзгариши, янгича ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга мослашиш, айнан шу ўзгаришлар доирасида сиёсий тузум ва бошқарувни мустаҳкамлаш, мувофиқлаштириш ва янги жараённинг бевосита натижаси сифатида кўрилади.

Замонавийлашув бир маромда кечмайди. Ўзига хос муаммолар бўлиши табиий. Бу жараённинг умумий манзараси Дейч айтганидек, «бунда аввалги ижтимоий, иқтисодий ва аввало психологик муносабатларнинг эрозияси кузатилади ва инсонларнинг бу янги муносабатларга,

социализация асосида мослашиши билан кечадди». Бундай ўзгаришлар билан бирга, анъанавий жамият субъектларини, уларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик ёки инкор этиш замонавийлик моҳиятини тушунмаслик оқибатидир.

Аввалги тизим ва унга хос муносабатлар аҳоли эҳтиёжларини қондира олмаслиги натижасида бутун бир жамият ёки бирор гуруҳ қарашлари асосида модернизация жараёни тезлашади. Аввал шаклланган маданият, турмуш тарзидан кечиб, гарчанд, замонавийлик учун катта имкониятлар манбаи сифатида эътироф этилса-да, жараён аста-секинлик билан амалга ошади. А.Қодировнинг фикрича, «кишилар хатти-ҳаракатида тарихан шаклланган патернализм анъаналари жамиятда демократия тамойиллари қарор топишига, уни замонавийлашувига тўсқинлик қилади»[4]. Аммо янгиланаётган жамиятда бу жиҳатларга ҳар доим «ёт унсурлар» сифатида эмас, балки ўзига хос ривожланиш ва тараққиётнинг асосий манбаси сифатида қараш муҳим.

Хусусан, Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий институт – оиланинг жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асосий тарғиботчиси мақоми ўзариб, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот, тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этишга муҳим стратегик омил сифатида қаралмоқда.

Замонавийлашувнинг ўзига хос салбий томонлари ҳам бор. С.Хантингтоннинг фикрича, замонавийлашув жараёнида «анъанавий» деб аталган жамиятда мақомга эга бўлмаган кучларнинг янгича «даража»га эга бўлиши кузатилади. Натижада бунёдкор ғоялар билан бирга ёт, бузғунчи ғоялар асосида бирлашган кучларнинг «уйғониши» ҳам рўй бериши мумкин. С.Хантингтон бу жараённи «Модернизациялашганлик – бу барқарорлик, модернизация эса барқарорлик томон йўлдир»[5],- дея таърифлайди.

Модернизациялашув янги ғоялар, сиёсий элиталар ва сиёсий муҳит шаклланиши даври ҳамдир. Чунки маълум вақт ўтгач анъанавий жамият қонун-қоидалари замонавийлик билан том маънода муносабатга киришиши кузатилади. Тараққиёт стратегиясида аҳолининг асосий қадриятларини ўз ичига олувчи институтлар ривожига катта эътибор берилиши назарда тутилган.

И.Эргашевга кўра, «Вақт – анъанавийлик ва замонавийликнинг ўзига хос ўлчовидир»[6]. Бу икки тушунча ўртасидаги муносабатлар қандай кўринишга эга бўлиши, воқеаларнинг тадрижий давоми бевосита замонавийлашувга нисбатан анъанавийлик хусусиятларига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолаверади. Бу унинг ижтимоий-сиёсий

институтларига ҳам бирдек хосдир.

Фикримизча, Янги Ўзбекистон ва фаол фуқаролик жамиятини барпо этишда ижтимоий-сиёсий институтлар зиммасига муҳим вазифалар юклатиладики, булар:

анъанавийликнинг асл моҳияти, ижтимоий-сиёсий хусусиятларини очиб беришга қаратилган ғоявий тарғибот ишларини ташкил қилиш;

жамият ва давлатнинг ўзаро янги, замонавий муносабатларида анъанавийлик ва унга хос бўлган институтлар таъсирини англаган ҳолда, улар фаолиятида аҳоли иштирокини таъминлаш;

ғоялар ва мафкуралар кўринишидаги «янги мустамлакачи макон»га кирмасликни таъминловчи миллий ғоялар, турли ижтимоий-сиёсий тадбирларни аҳоли ўртасида кенг тарзда ўтказиш орқали ижобий муносабатни шакллантириш;

замонавийлашув жараёни ривожда аҳолининг эркин қарашлари асосида шаклланган сиёсий иштироки ва муносабатини такомиллаштириш, миллат кучи ва манфаатларини ўзида мужассам этган янги авлодни тарбиялаш ва шу асосда давлатнинг барқарорлиги учун хизмат қиладиган, тараққиёти учун ҳисса қўшадиган сиёсий элита ва етакчиларларни камолга етказиш кабилардир.

Янгиланаётган жамиятда анъанавийликнинг нозик нуқталарига эътибор қаратиш лозим: анъанавийлик муносабати бир ғоя асосидаги кучли мафкурасига эга бўлади ва янги ғоялар татбиқ этилаётган пайтда уни йўқотиш эмас, улардан янги, бунёдкор ғоялар учун фойдаланиш ўта муҳим.

Гарчанд бу турдаги ғоялар консерватив руҳда бўлса ҳам айнан улар (қадриятлар, одатлар) аҳолини бошқаришда, тартибга солишда янгисидан кўра таъсирчан хусусиятга эга; жамиятнинг асосий тизимини ташкил этувчи, инсонлар фаолияти натижаси ҳисобланмиш институтлар фаолиятини янги бошқарув механизмлари асосида мувофиқлаштириш унинг анъанавийлик шароитидаги аъзоларини ўзгаришларга янги мақсад ва талаб, тақлифлар асосида етаклашда муҳим ўрин тутди. Янгиланишларда фақатгина жамиятнинг асосий соҳалари эмас, балки ғоявий-мафкуравий муҳити ҳам ўзгариб бориши кузатилади.

Фикримизча, агар жамият институтларга эга бўлмаганда эди, инсонларнинг ўзаро алоқалари

тартибсиз, мақсадсиз ва энг асосийси назоратсиз бўлар эди. Ўзгаришлар доим ҳам ҳамма томондан бир хил қабул қилинмайди. Бу жараённинг ўзи ҳам бир хил кўринишга эга бўлмай, турли давлатлар ва жамиятлардаги анъанавий муносабатлар, унинг институтлари ижтимоий ва сиёсий кўриниши ҳам ҳар хил мақсад, қадрият, анъаналарга, ранг-баранг сиёсий онг ва маданиятга эга индивидлар манбаи эканини ёдда тутиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, **аввало**, битта асосий қонуниятни яхши биламиз, яъни ҳар қандай ўзгариш маълум вақт ўтгач, албатта, анъанавийлик мақомини олади ёки замонавийлик жамият тараққиёти ва инсоният тафаккури ривож билан анъанавийлик кўринишига эга бўлади. Жараёни вақт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, тарихий ривожланиш босқичларида анъанавийликнинг, замонавийликнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш асосий мақсадларимиздан биридир.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакат учун том маънода муқаррар бўлган замонавийлик муносабатини қадрият даражасига олиб чиқиш, унинг ўзига хос хусусиятларини юзага чиқариш, ижобий жиҳатлардан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларни такомиллаштиришда фойдаланиш, ўйлашмиш, ҳар қандай давлат раванқининг асосий кафолати сифатида намоён бўлади.

Учинчидан, замонавийлик ва анъанавийлик муносабатларида жамият институтларининг асосий мақоми уларнинг муайян жамият аъзоларининг аксарияти ёхуд етакчи қисмини ўзида бирлаштирганлиги, шу асосда умуммиллат манфаатларини ифодалаш кучига эга эканлигидир. Анъанавий жамият институтларининг асосий хусусияти эса ўзига хос бошқарув, назоратга доир тажрибаларга эгаллиги билан изоҳланади.

Тўртинчидан, анъанавийликни замонавийлашув билан мослашуви инсонларнинг эҳтиёжлари асосидаги қадриятларни янгилаш, ривожлантириш, янги муносабатларга киришувчан институтларни шакллантириш, сиёсий тузумнинг фаолиятини такомиллаштириш, кенг омма манфаатидан келиб чиқувчи қонунлар, қарорлар ишлаб чиқиш, ер-мулк муносабатларининг янги (давлат, хусусий) шаклларини кенгайтириш асосида кечиши муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар / Сноски / References

1. Низомулмулк. Сиёсатнома.-Тошкент.: «Янги аср авлоди» 2008. Б.13.
2. Edmund B. Reflection on the Revolution in France. Chicago, Regnery.1955. P.37.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., Ўзбекистон. Б.4.
4. Қодиров А. Модернизация стратегияси. Т.: ТДҶОИ, 2006, Б. 18.
5. Хантингтон С. Политический порядок в меняющихся обществах.-М.:Прогресс-Традиция, 2004. С.58.
6. И.Эргашев. Жамият ва бошқарув № 4, 2009.

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАШ: ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ

Аннотация. Мақолада давлат фуқаролик хизматида энг замонавий бошқарув воситаларидан бири бўлган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини қўллаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, «360 даража» усули, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари, меритократия, хорижий тажриба.

Аннотация. В статье анализируется передовой зарубежный опыт системы важных показателей эффективности, которая является одним из самых современных инструментов управления на государственной гражданской службе.

Ключевые слова: государственная гражданская служба, метод «360 градусов», важные показатели эффективности, меритократия, зарубежный опыт.

Annotation. The article analyzes the advanced foreign experience of the system of important performance indicators, which is one of the most modern management tools in the civil service.

Keywords: public civil service, «360 degree» method, important performance indicators, meritocracy, foreign experience.

Давлат фуқаролик хизмати фаолияти самарадорлиги, давлат функцияларини бажариш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш сўнгги 20 йил давомида давлат хизмати соҳасида амалга оширилган барча кенг қамровли ислохотларнинг лейтмотиви (асосий ғоя)га айланди. Натижада кўпгина мамлакатлар (**Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Англия, Германия, АҚШ, сўнгги йилларда Бразилия**)да КРІ миллий ғоя даражасига кўтарилди [1] ва доимий тарзда такомиллаштириб борилмоқда.

Дастлаб 1960–1970 йилларда АҚШда «Мақсадлар бўйича бошқариш» методикаси – **Management by Objectives (MBO)** жуда оммалашиб кетди. Мазкур методиканинг асосий ғояси АҚШлик бошқарув соҳаси бўйича таниқли олим Питер Друкер томонидан тақлиф қилинган. Унда ҳар бир ходимнинг ташкилотга шахсан кўшган хиссаси, одатда, йил якунига асосланган ҳолда баҳолаб борилган. Кейинчалик бу методика бошқа олимлар томонидан янада такомиллаштирилди. Давлат бошқаруви тизимларини такомиллаштириш ва бунда янги концепциялар, технологиялардан фойдаланиш **New Public Management** (янгича давлат бошқаруви) деб атала бошланди.

Самарадорликка қаратилган бошқарув услуги ташкилот раҳбарига бутун диққат-эътиборини энг яхши натижага эришишга қаратиш имкони берувчи изчил ва тартибли ёндашувдир. КРІнинг ривожланиш босқичида унинг моделларини ишлаб чиқиш учун кўплаб бошқарув концепция-

ларидан фойдаланилган. Улардан энг машҳури 1990 йиллар бошида Роберт Каплан ва Давид Нортон томонидан татбиқ қилинган Баланслашган кўрсаткичлар – **Balanced Scorecard (BSC)** тизими ҳисобланади [2].

XX аср 90 йилларига келиб, **Буюк Британия, Нидерландия, Канада, АҚШ** сингари давлатлар биринчилар қаторида давлат хизматчиларини иш самарадорлигига қараб моддий рағбатлантиришда КРІ тизимидан фойдалана бошлади. Дастлаб бу тизим ўрта ва юқори бўғин раҳбарларида синовдан ўтказилди. 2004 йилдан бошлаб эса деярли барча **Европа Иттифоқи (ЕИ)**га аъзо мамлакатлар давлат хизматчилари учун ташкилот мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда КРІ тизими татбиқ этилди. ЕИ мамлакатларида самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бўйича рағбатлантириш тизими муваффақиятли ишлаши учун алоҳида қўмиталар ташкил этилди [3].

Тадқиқотларга кўра, юқори даражали давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ҳозирда **АҚШ, Канада, Буюк Британия, Янги Зеландия, Австралия, Нидерландия, Франция, Германия, Бельгия, Бразилия, Жанубий Корея** ва бошқа мамлакатларда қўлланилиб келинмоқда. Ўз навбатида, айрим давлатлар (**Испания, Япония** [4], **Қозғистон** [5]) турли сабабларга кўра ушбу тизимни қўллашни тўхтатди. Ушбу тизимни жаҳон амалиётида қўллаш кўлами ва юқори даражали давлат хизматчиларини рағбатлантиришдаги муваффақияти ҳақида

кенг тарқалган фикрларга қарамай, уларга қарама-қарши тадқиқот натижалари ҳам мавжуд: **биринчидан**, давлат органининг асосий раҳбарлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг натижалари муайян вақт ўтиши билан намоён бўлади, шунинг учун деярли барча хорижий мамлакатларда уларни жорий (йиллик) баҳолашда қийинчиликлар мавжуд [6]; **иккинчидан**, мансабдор шахсларнинг саъй-ҳаракатлари жадаллигига қарамай, қуйи соҳага таъсирининг муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг ваколат доирасидан ташқаридаги ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, бу ҳам баҳонинг объективлигини пасайтиради [7].

АҚШда 1993 йили Президент Клинтон ва вице-президент Гор ҳукумат тарихидаги энг узоқ давом этган бошқарув ислохотларидан бири – «Давлат бошқаруви тизимини қайта қуриш» ташаббусини илгари сурди. Даставвал «Ҳукумат фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисида» Қонун қабул қилинди ва унда давлат хизматчилари фаолиятини МВО методикаси бўйича баҳолашни йўлга қўйиш, давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлиги ва натижаларини баҳолашда дастурлар ва стратегик режаларни амалга оширишга эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

АҚШда вазирлик ва агентликлар раҳбарияти ходимларнинг индивидуал иш режаларини мустақил белгилайди. Давлат хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги мониторинги индивидуал режа асосида йил сўнгида баҳоланади ва ҳар бир вазифа ижросининг муҳимлик даражаси бўйича ҳисоблаб чиқилади. Юқори лавозимдаги ходимлар иш самарадорлигини рағбатлантиришда иккита асосий восита қўлланилади: **биринчиси**, самарали фаолияти учун Президент мукофоти (Presidential rank awards) – кўп йиллар ижобий меҳнат қилиб келаётган хизматчиларга берилди; **иккинчиси**, иш фаолиятининг самарадорлиги якунлари натижаларига кўра моддий рағбатлантириш (performance awards) – йил давомидаги фаолияти учун тақдирлаш ҳисобланади ва фақат «белгиланган барча талабларга жавоб берадиган» тоифасига эга ходимлар учун бир марталик тўлов бўлиб, ходим асосий иш ҳақининг 5 дан 20 фоизигача бўлган миқдорини ташкил этади [8].

Баҳолаш натижалари Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини мониторинг қилувчи комиссия – *Performance Review Board* томонидан кузатиб борилади. Агар ходимнинг кўрсаткичи КРІ натижаси бўйича белгиланган талабларга жавоб бермаса, яъни «қониқарсиз» деб топилса, ташкилот раҳбари ходимни лавозимдан озод этишга ёки бошқа лавозимга ўтказишга ҳақли.

Германияда давлат хизмати Вебер бюрократияси тамойилларига юқори даражада содиқлиги билан ажралиб туради [9], шу боис давлат хизматчилари бошқарувида консерватив қарашлар устувор саналади. Шунга қарамай 1997 йилда КРІ тизими жорий этилди ва 2002 йилга келиб қонун даражасида ягона рағбатлантириш тизими қабул қилинди. 1997 йилдаги ислохотларга кўра, раҳбарлик лавозимларини алмаштириш учун чекланган муддатлар жорий этилди. Бунда юқори даражадаги мансабдор шахслар муддатли шартнома асосида лавозимларни эгаллайди ва бу муддат 10 йилдан ошмаслиги керак. Дастлаб раҳбарлик лавозимидаги шахсларга икки йиллик синов муддати белгиланади ва шу давр ичида зарур самарадорликка эриша олмаса, аввалги лавозимига туширилиши мумкин [10].

Австралияда XX асрнинг 90-йиллари биринчи ярмида ҳар бир вазирликка дастурий мақсадларини белгилаш ва амалга оширишда эришилган ютуқ ва натижалар тўғрисида йиллик ҳисоботлар тайёрлаш топширилади. Вазирликларнинг бюджет сметалари уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлиб, бундай молиялаштириш тизимига ўтиш жараёни 1999–2000 йилларда тўлиқ якунланди. Бу эса давлат хизматчиларининг иш ҳақларига сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда Австралияда иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузиладиган шартномада самарадорликни баҳолаш мезонлари тобора кўпроқ акс этади. Юқори мансабдорлар билан тузиладиган шартномаларда ўз мажбуриятларини бажармаганлик ҳолларида жавобгарликни аниқ белгилаб қўйиш тизими жорий этилган.

Буюк Британияда давлат хизматини ислоҳ қилиш, биринчи навбатда, 1997–1998 йилларда жорий этилган фаолият самарадорлиги натижаларига асосланган идоровий бошқарув тизимини яратиш билан боғлиқ. Унга кўра, вазирликлар ва газначилик ўртасида давлат хизматлари тўғрисида шартномалар тузилган. Ҳар бир шартнома уч йил муддатга маблағ ажратишга асосланган ва вазирликлар эришмоқчи бўлган натижалар, мақсадлар ва уларнинг мезонларини белгилаган (баҳолашни соддалаштириш учун мақсадлар сони босқичма-босқич 630 тадан 160 тага қисқартирилган). Имзоланган шартномалар эълон қилинади, улар режалаштириш, мақсадларни аниқлаш учун асос бўлади ва барча даражадаги давлат хизматчиларининг шахсий режасида акс этади.

Баҳолаш йилига икки марта – йилнинг ўртасида ва охирида амалга оширилади. Йил ўртасидаги баҳолаш якуни бўйича ходим ва унинг бевосита юқори турувчи раҳбари муайян муам-

мони ҳал қилишдаги қийинчиликларни муҳокама қилиб, зарурат туғилса, дастлабки тузилган иш режасига тегишли ўзгартириш киритади. Йил охиридаги баҳолашда ходим йил бошида қўйилган мақсадларга эришилган натижаларни қайд этувчи ўз-ўзини баҳолаш шаклини тўлдиради. Бу унинг бевосита раҳбари билан муҳокама қилинади, шундан сўнг баҳоловчи субъект зарур тузатишлар киритади ва ходим иш натижалари бўйича ёзма ҳисобот тайёрлайди. Ўз-ўзини баҳолашдан ташқари, ҳамкасблар, бўйсунувчилар ва айрим ҳолларда давлат хизматлари истеъмолчилари ўртасида ушбу ходим ҳақида ўтказилган сўров натижалари ҳам ҳисобга олинади [11].

Кўп томонлама баҳолаш («360 даража») усулидан фойдаланишда ходим нафақат унинг раҳбари, балки ундан юқори, тенг ва қуйи бўғиндаги ҳамкасблари томонидан ҳам баҳоланади. Бунда турли лавозимдаги ходимлар иштироки таъминланади. Барча баҳоловчилар бир хил намунадаги махсус шаклни тўлдиришлари керак бўлади ва натижалар компьютер ёрдамида аноним ҳолда қайта ишланади, баҳолаш яқунлари ходимга эълон қилинади. Ушбу усул ёрдамида раҳбар ўз бўйсунувчидаги ходимнинг шахсий, профессионал фазилатлари, билим ва кўникмалари ҳақида объектив тасаввурга эга бўлади.

Шу билан бирга, тасдиқланган мақсадларга эришишни мониторинг қилиш амалиёти жорий этилган. Унга кўра, барча самарадорлик мақсадларидан (100 дан ортик), Бош вазирнинг ихтиёрига кўра, 30 дан 40 гача энг муҳимлари танланади, уларнинг бажарилишини Иш самарадорлигини таъминлаш департаменти назорат қилади [12].

Нидерландияда давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш методологиясининг амалиётга татбиқ этилиши дастлаб амалдорлар норозилигига сабаб бўлган. Чунки уларнинг аксарияти бюджет маблағлари нимага сарфланиши, маълум бир даврда қандай молиявий ресурслар мавжуд бўлиши ва қанча муддатга, қандай амалга оширилиши ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эди. 1999 йилда улардан фойдаланиш самарадорлиги атиги 20 фоизни ташкил этган. Баҳолаш тизимини жорий этиш муайян харажатларни талаб этган бўлса-да, самарадорлик кўрсаткичини 80% га ошириш имконини берган. Бунда фаолиятни баҳолаш тамойили муҳим роль ўйнаган. Бу дастлаб кам харажат эвазига юқори натижага эришишга қаратилган бўлиб, ҳар бир мансабдор шахснинг давлат хизмати учун аниқ белгиланган масъулиятни назарда тутгани сабабли унинг фаолияти самарадорлигини реал баҳолаш имконини берди. Ҳар йили давлат хизматларини

баҳолаш бўйича маълумотлар матбуотда эълон қилинади ва натижалар парламентга тақдим этилади, яқуни бўйича муайян вазирлик ёки идорага тегишли қарорлар қабул қилиниши мумкин.

Сингапурда 1959 йилда давлат сектори самарадорлигини ошириш ислохотлари бошланган. 60 йиллик **меритократия** (ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, раҳбарлик лавозимларини энг қобилиятли кишилар эгаллаши кераклиги ҳақидаги бошқарув тамойили)га йўналтирилган ислохотлардан сўнг Сингапур давлат хизмати самарадорлиги, шаффофлиги ва масъулияти билан эътироф этилди [13]. 2015–2020 йилларда кетма-кет ҳар йили Жаҳон банкининг *Government effectiveness* глобал рейтингда 1-ўринни эгаллади [14]. Ҳукумат мамлакатдаги энг йирик иш берувчи бўлиб, 85 минг давлат хизматчиси умумий бандликнинг 2,3% ни ташкил этади [15].

Сингапур PRP (*Performance-Related Pay* – самарадорликка боғлиқ тўлов)нинг илк амалиётчиларидан бўлиб, 1988 йилда мослашувчан иш ҳақи тизимини жорий қилди, 2002 йилда меҳнат унвдорлигини рағбатлантириш мукофоти миқдорини оширди. Давлат хизматчилари иш самарадорлигини аниқлаш бўйича йиллик баҳолаш ўтказилди ва уларнинг нисбий рейтинги тузилади. Унга кўра, аниқланган самарадорлик кўрсаткичлари асосида ҳар бир давлат хизматчиси дастлабки баҳолаш натижалари бўйича «А» дан «Е» гача бўлган даражаларга ажратилади. Баҳолаш тартибли ва солиштирма тарзда шакллантирилади ҳамда таққослаш учун бир хил даражадаги хизматчилар натижалари бўйича рейтинг тузилади. Бу рейтинг унда юқори натижа кўрсатган давлат хизматчиларига бонуслар берилишига ва лавозим кўтарилиши истиқболларига муҳим таъсир кўрсатади. Энг паст, яъни «D» ва «E» даража олган давлат хизматчилари учун олти ой синов муддати белгиланади ва шу даврда улар ўз кўрсаткичларини яхшилаш олмасалар улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Хитойда 2006 йил январь ойдан амалга киритилган «Хитой Халқ Республикасининг давлат хизматчилари тўғрисида»ги Қонунга биноан давлат фуқаролик хизмати учун табақалаштирилган мукофот ва жазо белгиланган. Меҳнат фаолиятини баҳолашда энг юқори самарадорликка эришган давлат хизматчилари хизмат пиллапояларидан тез суръатларда кўтарилади ва йил якуни бўйича бир ойлик иш ҳақи миқдорида бонус олиш имтиёзига эга бўлади. Кетма-кет икки йил давомида энг паст натижа кўрсатган хизматчилар билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Баъзи тадқиқотчилар Хитой

ҳукумати давлат хизматига иқтидорли хизматчиларни ёллаш ва сақлаб қолиш учун «барқарор рағбатлантириш» тизими таклиф қилганини олқишласа-да, бошқа тадқиқотчилар амалдаги рағбатлантириш пухта ишлаб чиқилмаган ва 5 та баҳолаш мезони (*ахлоқ, қобилият, меҳнатсеварлик, ютуқ, натижадорлик*) бўйича аниқ ўлчовлар йўқлиги самарадорлик баҳолари нотекис тақсимланишининг асосий сабаби, деб ҳисоблашади. Давлат хизматчиларининг 99% дан ортиғи самарадорликни баҳолаш имтиҳонларида юқори натижа кўрсатади, шунинг учун ҳар йили мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу «давлат хизматчилари иштиёқини уйғотишни қийинлаштиради» деган фикрни илгари суришади [16].

Хитой таркибидаги махсус маъмурий ҳудуд ҳисобланмиш **Гонконгда** давлат хизмати самарадорлигини ислоҳ қилиш 1999 йилда бошланган ва кўзланган асосий мақсад – давлат хизматини «кўпроқ мослашувчан», «жамоа эҳтиёжларига кўпроқ мос» қилиш эди. Мазкур ислоҳот давлат хизматчиларини миқдор жиҳатдан қисқартиришга ҳам қаратилган бўлиб, 1998–2008 йиллар давлат хизматчилари жами 18% га қисқартирилган ва 153,7 минг кишини ташкил этган. Бироқ мамлакатда ижтимоий хизматларга талаб ортиб бориши туфайли давлат хизматчилари сони 2020 йил ўрталарига келиб 15 % га оширилиб, 177,3 минг нафарга етди. Ҳозирда Гонконгда ҳукумат энг йирик иш берувчи бўлиб, жами бандликнинг 4,9 фоизини қамраб олади [17].

Жанубий Кореяда 2019 йилда мавжуд бўлган 1,1 млн давлат хизматчиси умумий бандликнинг 4,1 фоизини ташкил этган [18] ва ҳукуматни энг йирик иш берувчига айлантирган. Ушбу мамлакатдаги давлат хизмати очиқ ва рақобатбардош имтиҳонлар орқали «энг яхши ва энг зўр» истеъдодларни жалб этишга асосланган бўлиб [19], давлат секторидаги кўп йиллик ислоҳотлардан сўнг давлат хизмати сифати ошишига эришилди ва 2015–2020 йиллар давомида «ҳукумат самарадорлиги» бўйича жаҳон рейтингда 40-ўридан 22-ўринга кўтарилди.

2004 йил июнь ойдан кучга кирган «Давлат мансабдор шахслари фаолиятини баҳолаш тўғрисида»ги низомга кўра, давлат хизматчиларининг иш самарадорлигини аниқлаш тизимида юқори даражали (1-дан 4-гача) давлат хизматчилари йилига 1 марта, куйи даражадагилар (5-дан 9-гача) эса йилига икки марта баҳоланади. Ҳар бир давлат хизматчисига тўртта шкала бўйича (аъло «S», «A», «B» дан, қониқарсиз «C» гача) самарадорлик баҳоси қўйилади. Жанубий Кореяда ҳам Сингапур амалиётига ўхшаб энг паст баҳо олган юқори даражали давлат хизматчиларига олти ой синов муддати берилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматчилари фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари тизими орқали баҳолаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ этиш бу соҳадаги миллий амалиётни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Иқтибослар / Сноски / References

1. Ключков А.К. КРП и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. – М.: Эксмо, 2010.
2. Каплан Р.С., Нортон Д.Н. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. – М.: Олимп-Бизнес, 2006.
3. Лесина Т.В., Чернов Д.А. Ключевые показатели эффективности на службе. Эффективность работы госслужащих // Вестник ЕН, 2018 №2. С.5-6.
4. Dahlström C., Laruente V. Do you believe me? Public Sector Incentive Systems in Japan, Korea, Spain and Sweden // www.qog.pol.gu.se.
5. Постановление Правительства Республики Казахстан от 29 декабря 2007 г. № 1367 «Об утверждении Правил оценки качества работы административных государственных служащих».
6. Ketelaar A., Manning N., Türkisch E. (2007) Performance-based Arrangements for Senior Civil Servants OECD and other Country Experiences // OECD Working Papers on Public Governance, OECD Publishing, 2007. №5.
7. Milkovich G. (1991). Pay for Performance: Evaluating Performance Appraisal and Merit Pay. – Washington, USA: NAP, 1991.
8. Guide to the Senior Executive Service. United States Office of Personnel Management. 2001 // jobs.bpa.gov/ses/OPMSESGUIDE.pdf 14 Ketelaar A., Manning N., Türkisch E. (2007). Performance-based Arrangements for Senior Civil Servants OECD and other Country Experiences // OECD Working Papers on Public Governance, OECD Publishing, 2007 №5.
9. Schroter E. (2007). Reforming the Machinery of Government: The Case of the German Federal Bureaucracy // R. Koch & J. Dixon (eds.) (2007). Public Governance and Leadership, Deutscher Universitäts-Verlag, Wiesbaden, P. 251-271. // springerlink.com/index/g4g360847w34r645.pdf.
10. Draft F. Civil Service in Germany: Characteristics of Public Employment and Modernization of Public Personnel Management. URL: www.uni-konstanz.de/bogumil/kuhlmann/Download/KuhlmannRoeber1.pdf.
11. Performance Management Guidance 2008/09 for Permanent Secretaries and the Senior Civil Service. Cabinet Office, UK. 2008.
12. Нагимова А.М. Эффективность деятельности государственных органов управления как фактор повышения качества жизни в регионе: проблемы оценки и измерения. – Казань: Казан. гос. ун-т, 2009. – 188 с.
13. Saxena, N.C. (2011) Virtuous Cycles: The Singapore Public Service and National Development. Available from: www.undp.org/content/dam/undp/library/capacitydevelopment/English/Singapore%20Centre/VirtuousCycles_Singapore_UN DP-2011.pdf [Accessed May 2021].
14. worldbank.org/2020.
15. Public Service Division. (2020a) Public Service Staff Strength (Civil Service & Statutory Board). Available from: data.gov.sg/dataset/public%2Dservice-staff-strength-civil-service-statutory-board?resource_id=899105b0-af9b-47ed-85d2-ab1c2a8be0e5 [Accessed May 2021].
16. Wu A.M. (2014) Governing Civil Service Pay in China // papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2546700 [Accessed May 2021].
17. Civil Service Bureau. (2020) Non-Civil Service Contract Staff // csb.gov.hk/english/info/files/20201116_noncivilservicecontr actstaff_e.pdf.
18. Ministry of Personnel Management. (2020) 2020 Statistical Yearbook. Available from: mpm.go.kr/cm.
19. Kim, P.S. (2020) Government Employment Practices in East Asia: A Case Study of Merit-Based Recruitment and Selection of Civil Servants in Japan and South Korea. Available from: link.springer.com/referenceworkentry.

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРОВЕДЕНИЯ РЕФЕРЕНДУМА: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ

Аннотация. В статье раскрываются конституционно-правовые основы проведения референдума в Республике Узбекистан, рассматривается зарубежный законодательный и практический опыт, а также вносятся предложения по совершенствованию законодательства Республики Узбекистан, регулирующего порядок проведения референдумов.

Ключевые слова: демократия, власть, выборы, референдум, парламент, президент, конституция, законодательство.

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари очиб берилган, хорижий қонунчилик тажрибаси ва амалиёти кўриб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказишга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: демократия, ҳокимият, сайловлар, референдум, парламент, президент, конституция, қонунчилик.

Annotation. The article reveals the constitutional and legal foundations for holding a referendum in the Republic of Uzbekistan, examines foreign legislative and practical experience, and also makes proposals for improving the legislation of the Republic of Uzbekistan that regulates the procedure for holding referendums.

Keywords: democracy, power, elections, referendum, parliament, president, constitution, legislation.

Референдум как важнейший институт народовластия имеет определяющее значение для подлинного конституционализма в Республике Узбекистан, определения направления развития общества и государства, он призван обеспечивать свободное волеизъявление граждан по самому широкому спектру вопросов.

В настоящее время понятие «референдум» (от латинского «referendum» – то, что должно быть сообщено) прочно вошло в нашу жизнь, и в первую очередь это связано с расширением демократических прав и свобод граждан.

Конституция Республики Узбекистан [1] закрепила, что единственным источником власти является народ, наиболее важные вопросы общественной и государственной жизни выносятся на обсуждение народа, ставятся на всеобщее голосование (референдум). Граждане имеют право участвовать в управлении делами общества и государства как непосредственно, так и через своих представителей. Такое участие осуществляется посредством самоуправления, проведения референдумов и демократического формирования государственных органов, а также развития и совершенствования общественного контроля над деятельностью государственных органов.

Данные конституционные нормы определяют место института референдума в системе публичной власти в Республике Узбекистан. Это место исключительно высокое: референдум рассматривается не просто как одна из форм осуществления народом своей власти, но как одна

из высших, наряду со свободными выборами, форм прямой, непосредственной демократии.

В связи с этим представляется полезным рассмотреть конституционно-правовые основы института референдума, а также национальный, зарубежный законодательный и практический опыт проведения референдумов.

В Республике Узбекистан правовую основу проведения референдума составляют Конституция Республики Узбекистан, Законы Республики Узбекистан «О референдуме Республики Узбекистан» [2] (далее – Закон), «Об итогах референдума и основных принципах организации государственной власти» [3], «О внесении изменений и дополнений в Конституцию Республики Узбекистан» [4], Избирательный кодекс Республики Узбекистан [5] и иные акты законодательства, а также постановления Олий Мажлиса и Центральной избирательной комиссии.

В мировой конституционно-правовой практике референдум наряду с выборами рассматривается как важнейшее средство прямой, непосредственной демократии и, естественно, он имеет существенные преимущества перед представительной демократией, поскольку народ на референдуме выражает свою волю непосредственно, а не через своих представителей.

